Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 1967 йил 3 июнь, шанба ◆ № 128 (13.688). ◆ БАҲОСИ 2 ТИЙИН

БУХОРО ИПАГИ

Орденли Бухоро областининг пилла усталари пилла тайёрлаш йиллик планини бажардилар. Хўжаликлардан 2702 тонна қимматли хом ашё қабул қилиб олинди.

Бухоро пиллачилари давлатга яна 60 тонна пилла сотиш мажбуриятини олдилар.

(ЎзТАГ).

КУМУШ ТОЛАЛАР

Юбилей йилини меҳнатда ажойиб ютуқлар билан нишонлаш учун курашаётган Оқтўрғон районидаги «Москва» колхозининг пиллачилари (колхоз раиси И. Шубладзе, партия ташкилотининг секретари Х. Олтоев) давлатга кумуш тола сотиш юзасидан белгиланган планни муддатидан илгари — 27 майда 100 процент бажардилар.

Колхоз пиллачилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга яна қўшимча равишда 300 килограмм пилла топширишга аҳд қилдилар.

Ғалаба телеграммалари

Шунингдек, райондаги Куйбишев номли колхозда ҳам 12800 килограмм ўрнига 13056 килограмм пилла тайёрланиб план 102 процент бажарилди.

Юбилей мажбурияти бажарилди

Бекобод районининг ипак қурти боқувчиларидан юбилей мажбурияти бажарилди, деган рапорт келди. Пунктларга қўшимча равишда 100 центнердан ортиқ юқори сифатли пилла топширилди. Бекободлик пиллачилар яна иккинчи мажбурият олишди: давлатга яна 50 центнер пилла сотиладиган, 2 минг қути уруғнинг ҳар бир қутисидан 60 килограммдан қимматли хом ашё олинади.



СИРДАРЁ ОБЛАСТИ. Сафаралн Қодиров Титов номли совхознинг илғор механизаторидир. У шу кунларда гўза қатор ораларини культивация қилишда жонбозлик кўрсатяпти. Суратда: трактор рулида ўртоқ С. Қодировни, ўнгда совхознинг 6. бўлими бошқарувчиси Г. Оллоёров ва совхознинг бош агрономи А. Эрназаров ўртоқларни кўриб турибсиз.

О. Цой фотоси.

ДОСААФНИНГ БУТУНИТТИФОҚ VI СЪЕЗДИДА

МОСКВА. Армия, авиация ва флотга ёрдам берувчи кўнгилли жамиятнинг Бутуниттифоқ VI съезди 1 июнда ўз ишини давом эттирди.

Қаҳрамон Вьетнам халқининг вакили — Вьетнам Демократик Республикаси Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт ишлари давлат комитети делегациясининг раҳбари Нго Люаннинг нутқини делегатлар гулдурос қарсаклар билан кутиб олишди.

2 июнь эрталаб ДОСААФнинг VI Бутуниттифоқ съездида Марказий Комитет ва Марказий Ревизия Комиссиясининг докладларини муҳокама қилиш давом эттирилди. ДОСААФнинг марказий органлари сайланди.

Шу куни ДОСААФнинг VI Бутуниттифоқ съездида сайланган Марказий Комитетнинг пленуми бўлиб ўтди. Армия генерали, Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Л. Гетман ДОСААФ Марказий Комитетининг раиси қилиб сайланди. (ТАСС).

ВЬЕТНАМ ХАЛҚИГА ЁРДАМ

Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети ва тинчлик фонди правлениесида

Ўз озодлиги ва мустақиллиги учун, Америка империализмининг агрессиясига қарши курашаётган Вьетнам халқи билан совет кишиларининг бирдамлик кампанияси кундан кунга кенгаймоқда. Совет тинчлик тарафдорлари Вьетнам халқининг адолатли курашини қўллаб-қувватлаётганликларини кўп кишилик митинглар ва йиғилишларда, матбуотда, радио ва телевидение орқали жуда қатъий қилиб айтмоқдалар. Америка ҳарбийларининг Вьетнамдаги жиноий ҳаракатларига қарши қатъий норозилик билдирмоқдалар.

Совет кишилари ўзларининг жуда кўп хатларида қардош Вьетнам халқига бутун чоралар билан ёрдам кўрсатишга ўзларининг тайёр эканликларини билдирмоқдалар. Тинчлик фондига жуда кўп маблағлар бериб, бу маблағлардан қардош Вьетнам халқига ёрдам бериш учун фойдаланишни илтимос қилмоқдалар.

Тинчликни Ҳимоя Қилиш Совет Комитети, Вьетнамни қувватлаш Комитети ва бошқа Совет жамоат ташкилотлари мана шундай жуда кўп истакларни адо этиб, ихтиёрий равишда тўпланган пуллар, кўп миқдорда дори-дармонлар, озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар, санитария машиналари, протезлар, ногиронлар турадиган уйларга жиҳозлар, тракторлар, бульдозерлар, велосипедлар, кўчма электростанциялар ва бошқа моллар сотиб олишди. Бу моллар юкланган махсус теплоход 31 майда Новороссийскдан Вьетнамга томон йўлга чиқди. Бу моллар Совет тинчлик тарафдорларининг қурашаётган Вьетнамга тухфаси деб Вьетнам Демократик Республикасининг жамоат ташкилотларига топширилади. Тинчликни Ҳимоя Қилиш Совет Комитети шу тухфани топшириш учун делегация юборади. (ТАСС).

«КОСМОС-162» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

1967 йил 1 июнда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-162» учирилди. Йўлдошга 1962 йил 16 мартда ТАСС эълон қилган программага мувофиқ, космик фазони тадқиқ этишни давом эттиришга мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдош параметрлари қуйидагича бўлган орбитага чиқарилди: бошланғич айланиш даври 89,2 минут; Ер юзидан максимал олислиги (апогейда) 280 километр; Ер юзидан минимал олислиги (перигейда) 201 километр; орбитасининг оғиши 51,8 градус.

Йўлдошда илмий аппаратлардан ташқари 19,994 мегагерц частотада ишлайдиган радиопередатчик; орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радиосистема; асбоблар ва илмий аппаратларнинг ишлаши тўғрисида Ерга маълумотлар берадиган радиотелеметрик система бор.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган информацияларни ишлаб чиқмоқда.

СОВЕТ КОСМОНАВТИ ШАРАФИГА

ПАРИЖ, 1 июнь. (ТАСС). Париж яқинидаги Трапп шаҳри саноат районининг бош магистралларидан бири бундан буён Владимир Комаров кўчаси деб юритиладиган бўлди.

Шу воқеага бағишланган тантанали маросимда СССРнинг Франциядаги элчиси В. А. Зорин, Совет космонавтлари К. Феоктистов ва П. Беляев, шунингдек Франция Компартияси маҳаллий федерациясининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

ОРДЕНЛИ ХЎЖАЛИКЛАР

МИННАТДОРМИЗ

И. ДУСОВ,
Ҳазорасп районидаги Нариманов номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

□ □

Совет давлати 50 ёшга тўладиган қутлуғ йилда қувончимиз ойнинг беҳад бўлди. Колхозимиз юксак мукофот — Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Бу коллективимиз аъзоларининг меҳнатига берилган катта баҳодир. Чунки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришда қўлга киритилган барча ютуқларимиз улар қилган меҳнатнинг натижасидир. Улкан «оқ олтин» хирмони ва тонна-тонна кумуш толаларнинг, мўл сут, гўшт ва бошқа маҳсулотларнинг ижодкорлари — фидокор, саҳий қалб эгалари бўлган колхозчилардир. Шу туфайли улар партия ва ҳукуматга миннатдорчилик билдиряптилар.

Эришилган муваффақиятлар, қилинган ишлар тўғрисида баъзан гапирмоқчи эмасман. Якунлаш, қисқача сўзлаб, ишлаб чиқаришнинг баъзи иқтисодий кўрсаткичлари ҳақида тўхталиб ўтишни зарур деб ўйлайман. Колхозимиз областнинг машъал хўжаликларидан бири. Унинг экономикаси йил сайин юксалиб ва мустаҳкамланиб бормоқда. Чунки биз пахтадан муттасил юқори ҳосил етиштирмоқдамиз. Ўтган йили 1.985 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» териб олдик. 3.150 тонна пахта машиналарда терилди. 91 процент ҳосил биринчи сортга топширилди. Пахтани машинада териш туфайли 110 минг сўм тежалди. Ҳосилни юқори сортга сотиш эвазига 221 минг сўм қўшимча даромад олинди. Натижада умумий даромад ва иш ҳақи фонди кўпайди. Колхозчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 100 сўмни ташкил этди.

Чорвачилик хўжалигининг рентабелли тармоғига айланди. Сут-товар фермасини механизациялаш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва унинг таннархини арзонлаштириш ҳисобига бултур чорвачиликдан 33 минг сўм фойда кўрилди. Боғдорчилик, полизчилик ва сабзавотчилик ҳам йилдан-йилга ривожланаётир.

Экономиканинг равнақи қишлоқ маданиятини юксалтириш, колхозчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш имконини беряпти. Колхозчилар обод посёлкадаги шинам уйларда яшамоқдалар. Ҳамма хонадонлар тўла радиолашган ва электрлашган. Газ ва водопровод бор. Бу йил яна битта янги ўрта мактаб, минг кишилик клуб, колхозчилар учун 50 та уй-жой қурилади ва ишга туширилади.

Юбилей йилидаги режаларимиз катта. Колхозимиз аъзолари пахта ҳосилдорлигини 45 центнерга етказиш ва давлатга 9 минг тонна пахта, 150 тонна гўшт, 500 тонна сут ва кўп миқдорда бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш мажбуриятини олишган.

Шу кунларда гўза ва бошқа экинлар парваришини тобора кучайтирилмоқда. Яганалаш барвақт ўтказилди. Гўза қатор оралари икки марта культивация қилинди. З. Қурбонов, О. Худойберганов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари гўза парваришини намунали ташкил этиб, экинни нормал ўстириш ва ривожлантириш учун қурашда бошқаларга ўрнак бўлишяпти. М. Абдуллаев, Т. Худойберганов, Б. Султонов каби механизаторлар унумли меҳнат қилиб, гўзани сифатли культивация қиляптилар ва озиқлантиряптилар.

Партия ва ҳукуматимизнинг колхозчиларимиз меҳнатига берган баҳолари ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида юксак кўтаринкиликни вужудга келтирди.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Давлатга пилла сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажарганлиги учун республика «ҲУРМАТ ТАХТАСИ»га ёзиладилар:

Бухоро области (область партия комитетининг секретари **Қ. Муртазоев**, область ижроия комитетининг раиси **И. Бозоров**, область комсомол комитетининг секретари **С. Авезов**, область ипакчилик бошқармасининг бошлиғи **А. Ғуломов** ўртоқлар).

Жарқўрғон райони (район партия комитетининг секретари **Ч. Алматов**, район ижроия комитетининг раиси **Ч. Боймуродов**, район комсомол комитетининг секретари **Ю. Норқулов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **У. Ганиев** ўртоқлар).

Термиз райони (район партия комитетининг секретари **Ҳ. Ҳўжақов**, район ижроия комитетининг раиси **Ҳ. Болтаев**, район комсомол комитетининг секретари **С. Саъдуллаев**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **И. Зоиров** ўртоқлар).

Оқтўрғон райони (район партия комитетининг секретари **С. Тоиров**, район ижроия комитетининг раиси **И. Юнусов**, район комсомол комитетининг секретари **А. Хўжақулов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **Б. Машраповъ** ўртоқлар).

Бекобод райони (район партия комитетининг секретари **М. Нуъмонов**, район ижроия комитетининг раиси **П. Кушеров**, район комсомол комитетининг секретари **Д. Қодиров**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **Р. Абдуллаев** ўртоқлар).

Янгиўл райони (район партия комитетининг секретари **А. Алимов**, район ижроия комитетининг раиси **Р. Усмонов**, район комсомол комитетининг секретари **Ю. Ҳайдаров**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **Д. Ёқубов** ўртоқлар).

Калинин райони (район партия комитетининг секретари **М. Камолов**, район ижроия комитетининг раиси **М. Тожиев**, район комсомол комитетининг секретари **М. Раҳимжонова**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **В. Комилов** ўртоқлар).

Қарши райони (район партия комитетининг секретари **И. Бузрунов**, район ижроия комитетининг раиси **Ю. Хушвақтов**, район комсомол комитетининг секретари **Т. Кароматов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **Н. Саидов** ўртоқлар).

Сирдарё райони (район партия комитетининг секретари **М. Каримов**, район ижроия комитетининг раиси **У. Хўжаев**, район комсомол комитетининг секретари **Д. Зуҳуров**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **Б. Дадажонов** ўртоқлар).

Н. В. ПОДГОРНИЙНИНГ АФҒОНИСТОНДА БЎЛИШИ

КОБУЛ, 1 июнь. **ТАСС махсус мухбирлари А. СТУПАК билан А. ПЕТРОВ хабар берадилар:**

Совет Иттифоқининг ёрдами билан Наглуда қурилган гидроэлектростанцияни бугун эрталаб тантанали очиш маросими бўлди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ва Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳиршоҳ, шунингдек уларнинг ҳамроҳлари байрам тусида безатилган тўғон олдига келишди. Меҳмонлар учун тўғон устига чиройли чодирлар қурилган эди.

Мамлакатнинг қадимий одатига мувофиқ, бу тантана қўрғон сураларини ўқиш билан бошланди. Сўнгра ГЭС қурилишининг бошлиғи Абдул Қуддус Мажид минрофон олдида гапириб, мамлакатнинг энг катта иншоотларидан бири бўлган ҳамда Совет Иттифоқининг моддий ва техникавий ёрдами билан афғон ёшлари бунёд қилган бу иншоотни расмий очиш куни қувончли кундир, деди.

Афғонистон кон ишлари ва саноат министри инженер Салим Наглудаги ГЭСнинг Афғонистон экономикасини ривожлантириш учун бўлган аҳамиятини айтиб ўтди ҳамда бу лойиҳани амалга оширишда Совет Иттифоқининг техникавий ёрдамига юксак баҳо берди. У, совет мутахассисларининг меҳнати тўғрисида зўр миннатдорлик билан гапирди.

Гулдурос қарсаклар билан кутиб олинган СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний микрофон олдига келади.

Н. В. Подгорний Наглудаги тантана маросимида тўпланганларни ва бутун Афғонистон халқини СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати номидан ва шахсан ўз номидан мамлакатдаги энг катта гидроэлектростанция қуриб битказилганлиги билан чин кўнгилдан муборакбод қилди.

Н. В. Подгорний Наглудаги ГЭСни афғон инженерлари ва ишчилари совет мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб, гоят мураккаб шароитда бунёд қилганликларини айтиб ўтди.

Сўнгра Совет давлатининг бошлиғи баъзи халқаро проблемаларга тўхталиб дедики, Ер юзидаги соф виждонли кишилар АҚШнинг Шарқи-Жанубий Осиёда олиб бораётган урушига кескин қарши чиқмоқдалар. Совет Иттифоқи Вьетнам халқининг адолатли урушига тобора кўпроқ мадад бериб турибди. Биз, деди Н. В. Подгорний, Вьетнам халқининг енгиб чиқишига аминмиз.

Сўнгра Н. В. Подгорний Совет Иттифоқи билан Афғонистоннинг Яқин Шарқдаги муштарак дўстлари бўлган мустақил араб мамлакатларига қарши империализм агрессия бошлашга уринаётганлигини айтиб ўтди.

Совет Иттифоқи, деб давом қилди Н. В. Подгорний, Европа қитъасида хавфсизликни таъминлаш учун зўр бериб қурашмоқда. Чунки бу қитъада милитаристларнинг реваншчилик планларини тузмоқдалар, мавжуд чегараларни қайтадан кўриб чиқишга интилмоқдалар, ядро қуролини қўлга киритишга ҳаракат қилмоқдалар.

Н. В. Подгорний, тинчликсевар давлатлар ва халқлар биргалиқда куч ва ғайрат сарфлашлари натижасида тинчликни, халқлар озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолиш мумкинлигига ишонч билдирди.

Тантанали маросимнинг охирида Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳиршоҳ нутқ сўзлади.

Подшо Муҳаммад Зоҳиршоҳ Наглудаги ГЭСни очиш маросимида тўпланган афғонларга ва Совет Иттифоқидан келган меҳмонларга мурожаат қилиб, бундай деди:

— Бундай иншоотлар қуриб битказилганлиги Афғонистон халқи ва ҳукумати мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш учун доимий куч ва ғайрат сарфлаётганлигини, турмуш даражасини кўтариш йўлида шаҳдам қадам ташлаб олга бораётганлигини кўрсатиб турибди.

Подшо Муҳаммад Зоҳиршоҳ ўқтириб айтдики, бу иншоот қуриб битказилганлиги Афғонистоннинг дўсти ва қўшниси бўлган Совет Иттифоқининг дўстона ва бегараз ҳамкорлигини кўрсатувчи намунадир.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси бу маросимда қатнашаётганлиги, деди у, ҳар иккала халқ дўстлик ва ҳамкорликни иқтисодий ривожланиш йўлида мустаҳкамлашга ниҳоят даражада интилаётганликларини кўрсатувчи ажойиб далилдир. Афғонистон подшоси Совет Иттифоқи самарали ёрдам берганлиги учун, бу иншоотни қуришда совет мутахассислари зўр ғайрат билан ишлаганлиги учун шахсан ўз номидан ва ўз мамлакатининг халқи номидан ташаккур изҳор қилди.

Сўнгра подшо Муҳаммад Зоҳиршоҳ ва Н. В. Подгорний махсус ўрнатилган пульт олдига келиб, ГЭС турбиналарини ишга тушираётган, шунингдек тўғон дарвозаларини очиб юборадиган кнопкаларни баб-баравар босдилар. Тўғон устига ўрнатилган электр чироқлари ёниб кетди. Тўғоннинг очилган дарвозаларидан сув пишқириб ва кўпириб отила бошлади. Шундай қилиб Наглудаги гидроэлектростанция ишга тушди.

Совет меҳмонлари Наглудаги тантаналардан сўнг Кобулга қайтиб келишди.

НАГЛУ ГЭСИНИ ОЧИШ МАРОСИМИ

СОВЕТ — АФҒОНИСТОН МУЗОКАРАЛАРИ

КОБУЛ, 1 июнь (ТАСС). Чехельсотун саройида СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний билан Афғонистон Бош министри Муҳаммад Ҳошим Мейвандвал ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Бундан аввалги учрашувларда муҳокама қилина бошланган масалалар юзасидан фикрлашиш давом эттирилди. Музокаралар Совет—Афғон муносабатларига хос дўстлик ва сидқидиллик вазиятида ўтди.

Белоруссияда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси

Ўзбекистон гуллари жангчилар ёдгорлигига қўйилди

МИНСК, 1 июнь. **(ЎзТАГ махсус мухбири).** Бугун Ўзбекистон вакиллари—Белоруссиядаги Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасининг қатнашчилари Ватанимизни немис фашист босқинчиларидан озод этиш учун олиб борилган жангларда Совет Армиясининг ҳалок бўлган жангчилари ва Белоруссия партизанларининг ёдгорлигига гулчамбар қўйдилар.

Ўзбек ёзувчилари Янка Купала билан Якуб Колас адабиёт музейларида бўлдилар.

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

МИНСК, 1 июнь. **(ЎзТАГ махсус мухбири).** Бугун Белоруссия Компартияси Марказий Комитетида Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати декадасининг қатнашчилари билан учрашув бўлди.

Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Ф. А. Сурганов коммунизм қураётган ягона совет оиласида белорус ва ўзбек халқларининг алоқалари азалдан бери мустаҳкамланиб келаётганлиги тўғрисида гапирди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов белорус диёрида самимий қабул қилганликлари учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан қизғин миннатдорчилик билдирди.

Дўстона, самимий вазиятда ўтган учрашувда Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари А. Пилотович, С. О. Притицкий, Д. Ф. Филимонов, Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. Ф. Климов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов, икки республика ижодий союзларининг раҳбарлари, икки республика адабиёт ва санъатининг арбоблари қатнашдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. ЖУРАЕВ ВА Н. П. ШЕЙЧЕНКОГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН БИНОКОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Андижон областида сув хўжалик объектлари қурилишидаги катта хизматлари ва актив иштироки учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» унвони берилсин:

1. **Жўраев** Абилжон — «Андижанводстрой» трести бетончиларининг бригадири.

2. **Шейченко** Николай Петрович — «Андижанводстрой» трестининг бош инженери.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил, 31 май. Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

З. Ҳ. ҲУСАНХЎЖАЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН ВА ТЕХНИКА АРБОБИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Гидромелиорация фанини ташкил этиш ва ривожлантиришдаги ҳамда илмий кадрлар тайёрлашдаги катта хизматлари учун Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институти директорининг ўринбосари Зуҳур Ҳусанович **Ҳусанхўжаев**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил, 31 май. Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Андижон область сув хўжалик ташкилотлари ходимларидан бир группасига «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвони бериш тўғрисида

Андижон области сув хўжалигини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвони берилсин:

1. **Акбаров** Маматқон — Уйчи район суғориш системалари бошқармасининг гидротехник инженери.

2. **Вартанян** Иосиф Ваграмович — «Ўзгипроводхоз» институти 6-экспедициясининг бош инженери.

3. **Лужецкий** Леонид Яковлевич — Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштириш область колхозлараро кенгашининг бош инженери.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил, 31 май. Тошкент шаҳри.

Юбилей олди мусобақаси

МУБОРАК ДОВОН

Ф. ХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министри.

Эл пуфласа бўрон кўтарилади, деган гап бор. Бу гапни мен шунинг учун таъкидлаяпманки, ҳозир бутун мамлакатимизда Совет ҳокимиятининг 50 йиллигини меҳнатда янги зафарлар билан нишонлаш учун кураш мусобақасида қувончли натижалар қўлга киритилмоқда. Юбилей олди мусобақаси якунланишига оз қолди. Бу эса янада ғайрат кўрсатиб ишлашимиз лозимлигини таъкидлаб турибди.

Менга қолса юбилейгача бўлган даврни қутлуғ довон деб атагим бор. Ҳақиқатан ҳам Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги нишонланадиган кунни қутлуғ ва муборак довон деса арзигулик. Бизнинг бутун бахтимиз, эркин истиқболимиз Совет ҳокимиятининг барпо этилиши билан боғлиқдир. Ҳамма сингари бизнинг министрлигимиз корхоналари коллективлари ҳам юбилей тўёналарини кўпайтириш учун ҳамма тадбирларни кўраётирлар.

Бутун мамлакат тайёрлаётган катта тўёнага пахта тозаловчилар ҳам озми-кўпми ҳисса қўшиб қўйдилар. Албатта, бу дастлабки муваффақиятларимиз. Юбилей нишонланадиган кунгача амалга ошадиган ҳамма ишларнинг режалари мажбуриятларимизда очиқ равшан ифодалаб қўйилган. Мажбуриятлар қандай бажариляпти? Бу ўринда мен нақд совғаларни айтиб қўяқолай. Беш ойлик план муддатидан илгари бажарилди. Кейинги тўрт ойнинг ўзида планга қўшимча 6,4 процент маҳсулот ишлаб чиқарилди. Пахта ва каноп толаси тайёрлаш топшириқлари муваффақиятли адо этилмоқда.

Иш жараёнларини такомиллаштириш, корхоналарда янги техника ва илғор технологияни дадиллик билан жорий этиш, серсамара тажрибаларни кенг татбиқ қилиш натижасида меҳнат унумдорлиги 7,2 процент кўтарилди. Маҳсулотларнинг таннархи 8 миллион 260 минг сўм арзонлашди. Маҳсулот тайёрлашдан олинадиган фойда кўпайиб бораяпти. Ҳозирги ҳисобимиз бўйича кўрилган соф фойда 31,5 миллион сўмдан ҳам ортиб кетди.

Шахсий совғалар тайёрлаш ҳаракати авж олмоқда. Ҳар бир ишчи ва инженер-техник ходим планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга интилаётир. Шу курашнинг натижалари мана бу: планга қўшимча 23 миллион 400 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Пландан эшёд ишлаб чиқарилган пахта толаси 27.110 тоннани ташкил қилди. Бу айтишга осон рақам. Лекин унинг маъно-маъзи ҳисоб тарозига солиб кўриладиган бўлса, шунча толадан 260 миллион метр газлама тўқиб чиқарилишини пайқаш қийин эмас.

Ўтган йили пахтакорларимиз жуда улкан «оқ олтин»ни бунёд этдилар. Шу ҳосилни янги пахта етиштирилгунча қайта ишлаб бўлиш учун ҳамма тадбирлар кўрилмоқда. Пахта тозалаш саноати илғорлари бўлган трестларга ва корхоналарга Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва республика касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроқлари таъсис қилинганлиги жуда яхши натижалар бераётир. Андижон, Фарғона, Самарқанд, Бухоро область пахта тайёрлаш трестлари ўн кунлик якунларида бу кўчма Қизил байроқларни бир неча бор олишга муваффақ бўлдилар. Фарғонадаги Ўзбекистон, Тошлоқ, Самарқанд, Бухоро, Ғиждувон, Намангандаги 2-пахта тозалаш заводлари байроқ таъсис қилинганидан буён биринчи ўринларни жуда кўп марта эгалладилар.

Ўтган йилги ҳосилни қайта ишлаш тезлашяпти. Биз ҳамма куч ва имкониятларни шу ҳосилни август ойи ярмигача қайта ишлаб бўлишга сафарбар қилаётирмиз. Бунинг учун бир қатор ташкилий ва техникавий тадбирлар кўрилмоқда. Кўрилаётган бу тадбирлар келажакда пахта саноати корхоналарининг яна ҳам қудратли бўлишини таъминлайди. Жеттисой ва Жарқўрғон пахта тозалаш заводлари қурилиши тезлаштириб юборилди. Бешта қуритиш-тозалаш цехлари барпо этилди. Шундай цехларни 6 тасида қурилиш ишлари тугалланяпти. Ингичка тола тайёрлайдиган учта узлуксиз линия фойдаланишга топширилди. Ўнга яқин шундай линияларда монтажлаш ишлари бошлаб юборилди.

Ҳозир министрлик системасида планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтиш соҳасида қизғин иш олиб бориляпти. Ғиждувон пахта заводи анчадан бери шундай системада ишлаб, яхши натижаларга эришмоқда. Шу йил январь ойида Тошкентдаги каноп фабрикаси ҳам янги системада ишлашга кўчди. Барча луб заводлари, хаммаси бўлиб 11 корхона шу йилнинг ўзида планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасида ишлашга ўтади. Тан олиш керакки, бу соҳадаги ишларимиз ҳали талабга тўла жавоб бермайди. Иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш корхоналарнинг раҳбарларидан, мутахассислардан ижодий меҳнат қилишни, катта ташкилий ва тарбиявий ишлар олиб боришни талаб қилади. Шунингдек, тайёрланаётган махсулотнинг сифатини янада оширишимиз зарур. Машина-ускуналар қувватидан самарали фойдаланиш учун ҳамма чоралар кўрилди. Янги техникани жорий этиш соҳасидаги камчиликлар ҳам тугатиляпти.

Министрлигимиз корхоналари юбилей совғаларини яна ҳам кўпайтириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини албатта бажарадилар. Буни қўлга киритилган ҳозирги муваффақиятлар ҳам кўрсатиб турибди.

ОНАМНИ ТОПДИМ

Балки ўша пайтда ота-онамнинг қувончи бўлгандирман. Аммо бу қувонч узоққа бормади, 5 ойлигимдаёқ ота-онам ўртасида келишмовчилик бўлиб, ажралишиб кетишган. Мени аммам Хазима Зокирова чойнакда сут бериб катта қилган. Орадан сал вақт ўтмасдан отам Рўзихон исмли хотинга уйланиб олди. Шундай қилиб мен ўгай она қўлида қолдим. Ўгай она ҳам ўз ҳукмини ўтказа бошлади.

1960 йили оймнинг Бекободда эканлигини эшитдим ва излашга тушдим. Аммо тополмадим. Эзёвон чўлига иш излаб бордим. Низомхон ака деган киши менга катта меҳрибонлик кўрсатди. Уйидан жой берди ва отам қилмаган яхшиликларни қилди. Тракторчилар тайёрлаш курсига ўқишга жойлаштирди. айни пайтда мени тарбиялади. Орадан бир йил ўтгандан сўнг отам менинг дарагимни топиб, излаб келди ва мени қўярда-қўймай, панд-насиҳатлар қилиб уйга қайтариб олиб келди. Уйга қайтиб келгандан сўнг аҳвол ўзгармади, баттар оғирлашиб борди. Ўгай онамнинг болаларини боқар эдим. Ўгай онам мени кўрласа ҳам отам ёнимни ололмасди.

Шундай қилиб, мен она меҳрига қонмадим. Ҳатто онам ким ва қандай киши эканлигини тасаввур қилолмасдим.

1963 йили Тошкент уруғчилик базасига ишга кирдим. Бу ердагилар ўз бағирларидан жой беришди, иссиқ-совуғимга қарашишди. 1964 йилда мени армия сафига чақиришди. Биринчи йилиёқ хизматни яхши бошладим. Натижада оддий солдатликдан, бўлинма командири ва кейинчалик взвод командири ўринбосарлигига кўтарилдим. Шундай қилиб хизматнинг охири яқинлашган сари мени ваҳима босар, қаерга бораримни билмас эдим. Онамни топарманми деган фикр хаёлимни банд этган эди.

Яқинда бекободлик сафдош ўртоғим уйига отпускага бориб келди. Қайтиб келишда онамнинг дарагини билиб келибди. Онам Бекобод металлургия комбинатида ишлар экан. Ўртоғим менинг адресимни онамга бериб қайтибди. Чунки мен бошимдан ўтган воқеаларни унга айтиб берган эдим. Яқинда онамдан хат ва суратни олдим, биз бир-биримизга жуда ўхшар эканмиз. Мен жуда бахтиёр эдим. Езаверсам гап кўп, дил достони адо бўлмайди. Онам мени уйига таклиф этяпти, хизматдан сўнг албатта бораман.

Воҳид ҲАФИЗОВ,
Н-қисм хизматчиси.



Чиноз норуда материаллар комбинати ўз маҳсулотларининг қарийб ҳаммасини янги Тошкент қурилишига жўнатмоқда. Ҳар неча-кундузда бу коллектив қурилишларга темир йўл орқали 400 вагондан ортиқ автомобиль транспорти ёрдамида 102 минг кубометр қум-шағал етказиб беряпти. Суратда: майдалаш установкасидан транспортёр орқали шағал етказиб бериш.

А. Горюрик фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ФАНИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси кейинги йилларда илмий кадрлар тайёрлаш ва улардан яхши фойдаланиш соҳасида анча ишлар қилди. Кейинги тўрт йил мобайнида академия институтларида илмий кадрлар 2 минг 200 кишидан 3 минг кишига етди. Жумладан, фан докторлари 57 кишидан 108 кишига, фан кандидатлари 503 кишидан 900 кишига кўпайди. Бу олимлар Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 28 илмий-тадқиқот институти ва муассасаларида самарали иш олиб боряптилар.

Ҳозирги вақтда барча илмий ходимларнинг 34 процента фан докторлари ва фан кандидатларидир. Шу вақт ичида академиклар ва мухбир аъзолар ҳам анча кўпайди. Ҳозир Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида 43 академик ва 42 мухбир аъзо ишлаб турибди. Шулар орасидан 2 киши СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоларидир.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг барча институтларида, аспирантураларда ва мустақил тадқиқотчилик йўли билан илмий кадрлар тайёрланяпти. Жумладан, 800 киши аспирантураларда таълим оляпти. 127 киши ишлаб чиқаришдан ажралмай тадқиқотчилик муддатини ўтаяпти. Академия олимлари сафига ҳар йили ўрта ҳисобда 120-150 ёш мутахассис келиб қўшиляпти.

Фанлар академиясининг энг муҳим вазифаларидан бири юксак малакали, истеъдодли фан докторлари етиштириш ҳисобланади. Академия ташкил топганидан буён ўтган 23 йил мобайнида бу илм масканида 112 фан доктори вояга етди. Бошқача айтганда, ўрта ҳисобда йилига 5 фан доктори етишиб чиқди.

Бу суръат ғунчалик қаноатлакарли эмас, албатта. Бизда ҳар йили ҳар бир соҳада 2-3 фан доктори, 10 фан кандидати етишиб чиқиши керак. Ана шундагина фанларимизни муваффақиятли ривожлантириш мумкин.

Кейинги йилларда табиий фанлар, айниқса, физика, математика, техника, геология ва биология фанлари бўйича кўпроқ аспирантлар тайёрланяпти.

Юксак малакали илмий кадрлар тайёрлашни яхшилаш мақсадида олимларимизга мумкин қадар қулай шарт-шароитлар яратилган. Кейинги саккиз йил мобайнида 54 фан кандидатига докторлик диссертацияларини ғуғатиш ва ёқлаш учун ижодий отпускалар берилди. Олимларимиз марказий илмий-тадқиқот институтларига ва тадқиқ этилаётган жойларга узоқ муддатли илмий командировкаларга юборияпти.

Аспирантураларга талабалар тайёрлаш ишлари ҳам бирмунча яхшиланди. Чунончи, 1965 йилда аспирантурага қабул қилинган талабаларнинг 84 процента камида 2 йил ишлаган, илмий ишга лаёқатли кишилар эди. Аспирантурага қабул қилинганларнинг 35 процента кандидатлик минимуми имтиҳонларини қисман ёки тўлиқ топшириб бўлишган. Аспирантларга усталик қилувчи 475 илмий раҳбардан 200 дан эшёди Фанлар академиясининг академиклари, мухбир аъзолари, профессорлар, фан докторлари эди. Академиклар, мухбир аъзолар ва фан докторларидан И. Мўминов, М. Набиев, В. Қобулов, Е. Тўрақулов, К. Аҳмедов, В. Лавров ва бошқаларнинг ҳар бири ўнлаб аспирантларга таълим бераяпти.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг институтлари ва муассасаларида кўпчилик илмий ходимлар мустақил равишда, аспирантурада ўқимай туриб, диссертацияларини тайёрлашяпти. Бундай мустақил тадқиқотчилар йил сайин кўпайиб боряпти. Уларнинг илмий ишлари учун зарур шароитлар яратиб берияпти. Уларга ижодий отпускалар, узоқ муддатли командировкалар берияпти, илмий консультантлар тайинланяпти. уларнинг илмий ишлари журналларда ва тўпламларда эълон қилияпти. Кейинги уч йил ичида кандидатлик диссертацияларни ёқлаган 450 га яқин кишидан 113 киши ана шундай мустақил, аспирантурада ўқимай диссертация тайёрлаган эдилар.

Кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳали анчагина жиддий камчиликлар бор. Бизда фан докторлари етиштириш иши ҳали бирмунча оқсаяпти. Режаларимизга кўра кейинги тўрт йил ичида 50 киши докторлик диссертацияларини ёқлаши керак эди. Шулардан 16 киши ҳозиргача диссертация ёқлаганича йўқ.

Ёшлардан малакали илмий ходимлар тайёрлаш масаласига ҳам етарлича эътибор берилмаяпти. Кейинги 4 йилда ижодий отпуска олган ва диссертация ёқлаганлардан фақат 27 киши (58 процентигина) 27 ёшдан 45 ёшгача бўлган кишилардир. Диссертация ёқлаганларнинг 42 процента эса 50-60 ёшдаги илмий ходимлардир.

Фанимизнинг кўпгина муҳим соҳаларида ҳалигача юксак малакали илмий кадрлар етишмайди. Айниқса фан ва техника тараққиёти учун муҳим аҳамияти бўлган физика, математика, техника соҳаларида бу етишмовчилик янгдан сезиляпти. Агар академия бўйича умуман илмий ходимларнинг 34 процента фан докторлари ва фан кандидатлари бўлса, ядро физикаси институтида улар атиги 13 процентни, физика-техника институтида 16 ярим процентни ташкил этади, холос.

Бунинг сабаби нимада? Айрим институтлар кундалик ишларида юксак малакали илмий ходимларни кўпайтириш масаласи билан етарли шуғулланмайдилар. Ҳолбуки, республикада ана шундай илмий кадрлар тайёрлаш учун имконият ва резервлар истаганча топилади.

Математика, физика-техника, ядро физикаси, зоология, ўсимликшунослик химия институтлари илмий кадрлар тайёрлаш учун мамлакатимизнинг марказий шаҳарларида ажратилган жойлардан яхши фойдаланишмаяпти. Чунончи, 1966 йили СССР ва РСФСР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ажратган 11 жой, СССР Фанлар академияси ажратган 13 жой бўш қолди. Ҳолбуки, ана шу жойларда функционал анализ, ҳисоблаш математикаси, кристаллография, контроль—ўлчаш техникаси, геофизика, ўсимликлар генетикаси, физика плазмаси, аналитик химия, микроэлектроника сингари ихтисосларни эгаллаш мумкин эди.

Бир неча йилдардан буён физика-математика ва техника фанлари бўйича аспирантлар қабул қилиш плани бажарилмай келяпти. Фаннинг шу соҳаларида фан кандидатларига эҳтиёж катта бўлишига қарамай, уч йилдан бери шу соҳаларга аспирантлар қабул қилиш атиги 50 процент бажарилди, холос.

Аспирантларнинг диссертацияларни ўз вақтида ёқлашлари учун тегишли чора-тадбирлар кўрилмаяпти. Кўпчилик аспирантлар кандидатлик минимуми топшириши учинчи йилгача чўзиб юборишяпти, бу ҳол уларнинг диссертациясига салбий таъсир кўрсатяпти.

Аспирантура бўлими ва институтлар республика Фанлар академиясининг академиклари ва мухбир-аъзоларини илмий раҳбарлик ишларига етарли жалб қилмаётирлар. Натижада баъзи бир академикларнинг, мухбир-аъзоларнинг аъзолигидан бўйича аспирантлари йўқ.

Илмий кадрлар тайёрлашдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун бир қанча муҳим тадбирларни амалга оширишимиз даркор. Аввало, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг бўлимлари институтларнинг илмий кадрлар тайёрлаш планларини қандай бажараётганлигини мунтазам назорат қилиб туриши лозим.

Махсус аспирантураларга номзодларни пухталик билан танлаш, ерли кадрлар тайёрлаш учун Москва Ленинград, Киев ва бошқа шаҳарлардаги етакчи илмий муассасаларнинг имкониятидан тўла фойдаланиш керак.

Ишлаб чиқариш, илмий муассасалар ва олий ўқув юртларидаги энг қобилиятли, илмий ишга лаёқатли кишиларни аспирантурага ёллаб олиш ишини яхшилаш керак. Илмий раҳбарлар, бўлим, лаборатория, сектор мудирлари ишда ёки ўқишда ўзлари яхши бўлган, илмий ишга энг лаёқатли кишиларни аспирантурага номзодликка тавсия этишсин.

Ёш мутахассислар институтга келган биринчи куниданоқ, уларни мустақил илмий иш қилишга ўргатиш зарур. Инженер-техникларга фақат техника билан банд бўлиб қолмай диссертация мавзулари олиб ишласинлар. Бунинг учун уларга тегишли шароит яратиб бериш керак.

Республикада тўрт йил мобайнида 100 фан доктори ва 1062 фан кандидати етиштириб чиқариш мўлжалланяпти. Шу вақт ичида аспирантураларга яна 1150 аспирант қабул қилинади.

1975 йилга бориб, Фанлар академиясида ҳаммаси бўлиб 10.580 киши, шу жумладан 5690 илмий ходим, улар орасида 391 фан доктори, 2500 фан кандидати ишлайди.

Кўриниб турибдики, Фанлар академияси республикада илмий кадрларни яхшилаш юзасидан жуда катта вазифаларни амалга ошириши керак. Бу ишларга фақат олимларгина эмас, балки жамоат ташкилотлари, айниқса институтларнинг партия бюролари бош қўшишлари лозим. Шундагина мумкин қадар тез муддатда фанимизнинг муҳим соҳаларини юксак малакали илмий кадрлар билан таъминлаб оламиз.

М. ФАЙЗИЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси бош илмий котибининг ўринбосари, юридик фанлар кандидати.

Белоруссияда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси

ГУЛДАСТА

Ҳамид ҒУЛОМ.

— БАЛЛАДА —

Йўлга чиқарканман, нуроний она
Қўлимга гулдаста бериб, ютинди,
Поездга талпиниб мисли парвона,
«Саломимни етказ,— дея ўтинди —

Агар Полесье томон олсанг йўл,
Мовий кўл бўйида бир нафас тўхта.
У ерда мудрайди сонингина кўл,
Қарағай тагида ёлғиз бир хата;

Енида қабр бор —
ўғлимнинг кабри,
Зангори чечаклар сочилган тўп-тўп
У — она азоби, ҳижрони, сабри...
Сен унга эгилиб, юлдузидан ўп.

Кейин хатага кир.
Шоп мўйлов бир чол
Бағрини очади дўст келибди, деб.
Ҳайрон бўлма, уни кўрсанг бемажол,
Қадди ё, тишлари тўкилибди, деб.

У сенга мардликдан нақл айтади,
Жанглардан чизади ўтли манзара.
Хуллас, сени ажиб оқшом кутади,
Тинглагил
ва кейин оҳиста сўра:

Зарина исмли қора қош дилбар
Ҳозир қаерларда ёлғиз юрибди,
Уни қаритганмиш айрилиқ йиллар,
Сўраб бил, фарзанди қайда турибди?

Ёдимда ўғлимнинг сўнгги хати...
Қиз —
Уни шайдо қилган экан бегумон,
Ўғлим ҳам севаркан ёрини чексиз,
Улар кўрган экан жажжи бир ўғлон.

Сен ўша диёрга элчи бўлиб бор,
Заринани ахтар, набирамни топ.
Шояд мужданг мени этса бахтиёр,
Шояд аёғ бўлса менга у нитоб.

Балки, у набирам дадаси каби
Қорақўз, довюраг жангчи бўлгандир,
Балки, илҳом билан ўртаниб қалби,
Элида бир шоир — жарчи бўлгандир.

Балки, ўша юртда қариндошларим,
Ўғлимнинг меҳрибон дўстлари бордир.
Балки, бекор оқмай кўздан ёшларим,
У элда умидим излари бордир.

Сен ҳар бир дарахтга қучоғингни оч,
Таъзим қил, азизим, ҳар бир одамга.
Фарзандлар жон берди
мунаввар қуёш
Мангуга нур сочсин дея оламга.

Сен ўша ерларга қўйганда қадам
Мовий барглардаги шудрингга тегма,
Улар на гўбордир, на оддий шабнам,
Улар — шинелларда порлаган тугма..

Бир кун унутилар дунё ташвиши,
Унутилар даврон шўриш, жафоси,
Мангудир онанинг фарзандга ишки,
Фарзаннинг Ватанга сидқу вафоси».

* * *

Гулдастани олинг, дўстлар, қўлимдан,
Заринага беринг,
набирага ҳам.
Бу гул — элингизга,
жондош элимдан
Севги каби порлоқ бир даста
кўклам!

Деҳқон ишдан қайтиб келди

КОЛХОЗ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ

«Колхоз коммунал хўжалиги» деган сўзларга Черкасс областида ҳали ҳамма ерда қўникишгани йўқ. Қишлоқда яқиндагина пайдо бўлган янги ташкилотни ҳамма ҳар хил ном билан: бировлар маиший хизмат кўрсатиш комбинати деб, бошқалар коммунал хизмати кўрсатиш деб аташади, бироқ бу ҳақда ҳамма маъқуллаб гапиради ва бошланган ишнинг истиқболига ишонч билан қарайди.

Бу ерда гап хўжалик ҳисоби да ишлаб, аҳолига коммунал хизмати кўрсаталиган комбинатлар ҳақида бораётир. Бундай комбинатлар кўпчилик қишлоқларда бир йил ва ундан кўпроқ муддатдан буён ишлаётган ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик артелларининг раислари коммунал хўжаликлари ўзларини ва бригадирларни маиший хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган кўпчилик майда-чуйда ишлардан, бировга янги қураётган уйи учун ёғоч-тахта, бировга мих ва бошқа бировга шифер керак бўлганлиги учун одамларни навбат кутишдан озод қилганлигига ишонч ҳосил қилдилар. Барча коммунал хизмати кўрсатиш ҳақидаги ташвишлари битта бригада еки битта ташкилотнинг зиммасига юклаш ҳақидаги фикр илгари ҳеч кимнинг ақлига келмаганлигига ҳозир улар ҳайрон бўлмоқдалар. Бу ташкилотни қандай хоҳласангиз шундай деб атанг, лекин деҳқон ўзининг бузилган водопровод кранини, қуйган электр тармоқларини тузатиш, уйини ремонт қилдириш масаласида кимга учрашиши кераклигини билади, бу соҳада ўзига тез ва малакали ёрдам кўрсатилишига ва бу иш бригадир ёки колхоз раисининг қайфиятига боғлиқ эмаслигига ишонади.

Маишат билан боғлиқ бўлган юзлаб икир-чикирлар илгари деҳқонни асосий ишдан қолдирарди. Бунинг устига унинг дили хира бўларди. кўплаб иш соатини ва бутун-бутун кунларни қўлдан бой берарди. Ҳозирги вақтда эса ҳар бир кун учун Черкасс колхозчиси анча ҳақ олади. Кўпчилик қишлоқ хўжалик артеллари бир кишi-кунига уч ва ҳатто тўрт сўмдан ҳақ тўлашяпти. Шу сабабли қишлоқ аҳолиси ўзи ишдан қолмаслик мақсадида тасодифий кишиларни ёллашга мажбур эди. Ёлланган кишилар эса кўп ҳолларда арзимаган иш учун уч баравар кўп ҳақ олишарди. Шундай бўлгач, агар уйда хўжаликка қарайдиган эркак бўлсаку яхши, бўлмаса бева хотинларнинг, қари кишиларнинг ҳоли нима кечарди? — бу ҳақда бир ўйлаб кўринг-чи.

Хўжалик ҳисобида ишлайдиган бригададан иборат биринчи маиший хизмат кўрсатиш комбинати Черкасс районидаги «Заря коммунизма» колхозида ташкил этилди. Комбинатга 15 минг сўм оборот маблағлари ажратиб берилди, унга бино, юк автомашинаси, отлар биркитиб қўйилди. Унга колхознинг водопроводи ва электр тармоғини ишлатиш, газ хўжалиги билан шуғулланиш топширилди.

Яна комбинат: йўллар, йўл калар қуриши, кўчаларни электрлаштириши, колхозчилар учун янги уйлар қуриши ва эскиларини ремонт қилиб бериши, аҳолини еқилғи билан таъминлаши, ҳаммом, кир ювиш хонаси, сартарошхона қуриши ва уни ишлатиши ҳам керак. Умуман олганда комбинат юзлаб катта ва кичик ишлар билан шуғулланиши лозим. Агар ана шу ишлар тартибга солинмаса меҳнаткашнинг ва айниқса деҳқоннинг ҳаёти қийинлашар, шу сабабли ёшлар кўп ҳолларда шаҳарга кетиб қолар эдилар.

Комбинат ҳали ёш, у эндигина қаддини ростламоқда, бироқ ҳозирнинг ўзидаёқ ишонч билан шуни айтиш мумкинки, унинг ишига асос қилиб олинган принциплар тўғридир. Дастлаб, коммунал хўжалигининг мудири Василий Семёнович Шапрая қўлидаги қалин пашкада йиғилган ариза, илтимосномалар бунинг далилидир «Уйим деворининг ғиштини териб беришингизни илтимос қиламан» — деб ёзган ўз аризасида колхозчи аёл Прасковья Титаренко, ўқитувчи Лисняк уй қурдирмоқчи. Колхозчи аёл Ульяна Кашченко уйининг томидаги ота-бобосидан қолган хасни олиб ташлаб, ўрнига шифер ёпмоқчи. Дурадгорлик ишларига, газ плиталари ва водопровод колонкалари ўрнатиш ҳақидаги аризалар ҳам кўп.

Бир йилга етар-етмас вақт мобайнида коммунал хўжалиги 35,5 минг сўмлик заказаларни бажарган. Ўз маблағлари ҳисобига у бошқарув аппарати ходимларини — мудир ва бухгалтерни ишлатиб келмоқда, ишчилар билан ҳисоб-китоб қилмоқда. Бунинг устига қишлоқ хўжалик артели кассасига икки минг сўм соф фойда ҳам келтирди.

— Қилинган даромад хўжалигимиз учун у қадар кўп эмас албатта, — дейди колхоз раиси Иван Дмитриевич Швед. — Счётимизга қўшимча тушган минг сўм даромаддан кўра бизни кўпроқ қувонтираётган рақамлар бор. 1965 йили биз ҳар бир колхозчига 4 сўм 56 тийинлик, 1966 йили эса 24 сўм 80 тийинлик коммунал хизмати кўрсатдик. Кўрсатилган хизматнинг қиймати ҳар бир оила аъзосига ҳисоблаганда 1965 йили 82 тийинданга, бултур эса 4 сўм 46 тийинданга тўғри келди. Менимча, бу ҳамма нарсадан муҳимроқдир.

Бу йил қишлоқ коммунал хўжалиги ишлаб чиқариш программасини кенгайтириб, унинг ҳажмини 43 минг сўмга етказди.

Мен Русская Полянадаги кўпчилик колхозчилар билан суҳбатлашдим. Коммунал хўжаликларга мурожаат қилиш колхозчилар учун фойдали. Уй деворининг ғиштини тердириш учун «кўчадан» ёлланган ходимлар 400 сўм, коммунал хўжалиги эса 180 сўм олади. Ульяна Кашченко кассага 33 сўм пул тўлади ва ана шу пул эвазига ундан мих ҳам, рейкалар ҳам, ширинкома ҳам сўралмаган ҳолда уйининг томи шифер билан ёпиб берилади.

Илгари бирор сабаб билан қишлоқдан кетиб қолган усталар коммунал хўжалигига жондилдан келиб ишлашмоқда. Русская Полянага ғишт терувчи Руденко, Кривошея ва Толстопят, йўл қуриш ишлари усталари Ишченко ва Титаренко, дурадгор Жовтобрюх ўртоқлар қайтиб келишди.

АКТИВЛИК КУЧАЙСИН

Қашқадарё область партия комитетининг навбатдаги VII пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари область партия комитетининг иккинчи секретари А. М. Илюхининг «КПСС Марказий Комитетининг Тула области партия ташкилотларининг саноат корхоналари ва қурилишлар коллективларини социалистик меҳнат интизоми руҳида тарбиялаш соҳасидаги иши ҳақидаги қарори ва область партия ташкилотларининг вазифалари» тўғрисидаги докладини тинглаб, ишчанлик билан муҳокама қилдилар.

Шунингдек, пленумда область партия комитети V пленумининг «Партия ташкилотларининг чорвачиликни янада ривожлантириш соҳасидаги вазифалари тўғрисида»ги қарори Ғузор ва Косон районларида қандай бажарилаётганлиги ҳақида район партия Комитетларининг секретарлари Қ. Маҳмудов ва Ж. Ҳаққулов ўртоқларнинг ахбороти эшитилди.

Пленум муҳокама қилинган масалаларга партия ташкилотларининг эътиборини яна ҳам кучайтиришга қаратилган қарор қабул қилди.

З. ИСРОИЛОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ФАРҒОНА. (ЎзТАГ). Фарғона область партия комитетининг бу ерда бўлиб ўтган пленуми партия ташкилотларининг саноат корхоналари ва қурилиш корхоналарида меҳнаткашларни социалистик меҳнат интизоми руҳида тарбиялашга оид иши тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Область партия комитетининг иккинчи секретари А. Ф. Гаврилов пленумда доклад қилди.

Халқ хўжалигида иқтисод ва тежамкорлик учун курашни кучайтириш юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида область партия комитетининг секретари В. Содиқовнинг доклади ҳам муҳокама қилинди.

Пленумда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов нутқ сўзлади.

Андижон районидаги Калинин номли колхоз пиллачилари давлатга пилла топшириши қизғин давом эттирмоқдалар. Юбилей шарафига бошланган социалистик мусобақада айниқса Екутхон Урмонова бошлиқ пиллачилик звеноси намунали ишламоқда. Суратда: ҳар кути уруғдан 112 килограммдан пилла етиштирган опа-сингил Урмоновалар янги ҳосилни териб олиш пайтида.

У. Раҳимов фотоси.

БУГУН ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН XIV СПАРТАКИАДАСИ БАЙРОҒИ КЎТАРИЛАДИ

СПОРТ БАЙРАМИ

Э. АМИНОВ,

Ўзбекистон ССР спорт жамиятлари ва ташкилотлари Советининг раиси.

Бутун совет халқи юксак сиёсий кўтаринкилик билан Октябрнинг 50 йиллигини кутиб олиш тарадудини кўраётир. Совет спортчиларининг эллик миллионли армияси ҳам жонажон Ватанимиз шуҳратини кенг ёйиш, қудратини ошириш мақсадида юбилей стартида турибдилар. Бугунги кунда ҳар бир спортчи «Спортда ҳам, ишда ҳам биринчилик учун» деган шиорни илгари суряпти.

Республикамизнинг ҳамма бурчакларида йилнинг барча фасларида катта одимлар билан спорт рекордларни штурм этяпти.

Саноқли кунлардан сўнг СССР халқлари IV Спартакиадасининг улкан финал мусобақалари бошланади. Ўзбек спортчилари ҳам ўзларининг навбатдаги Спартакиадаларини мана шу қутлуғ кунга бағишламоқдалар. Спартакиаданинг биринчи этапида юз мингга яқин спортчи оммавий мусобақаларда қатнашди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг ўтган йил сентябрь ойида қабул қилган қарорида физкультура ва спортни янада ривожлантириш, юбилей Спартакиадасига тайёргарлик тўғрисида батафсил тўхтаб ўтилди ва тадбирлар белгиланди.

Шу йил март ойидаёқ старт олган XIV умумўзбек Спартакиадаси СССР халқларининг бўлажак IV Спартакиадаси олдидан катта репетиция ролини ўтайди.

XIV умумўзбек Спартакиадасининг бугун очиладиган финал мусобақаларида республикамизнинг барча область, районларидан келган физкультурачилар ва қишлоқ спортчилари ўз маҳоратларини намойиш қиладилар. Финал мусобақаларда барча областлар ва Қорақалпоғистон АССРдан келган спортчилар билан бирга олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларининг ваниллари мусобақалашадилар. Шунингдек Республика кўнгилли спорт жамиятлари Советининг терма командаси ҳам бу мусобақаларга қўйилади.

XIV умумўзбек Спартакиадасида энг яхши кўрсаткичларга эришган кучли спортчилар СССР халқларининг Москва ва Ленинград шаҳарларида ўтадиган IV Спартакиадасига қатнашиш ҳуқуқини олади.

Республикамиз юбилей Спартакиадасининг финал мусобақаларида қатнашиб, спортда юксак кўрсаткичларга эришиш ва СССР халқларининг улкан спорт байрамида қатнашиш ҳар бир спортчининг бурчи ва орзусидир.

Октябрь 50 йиллиги юбилейини меҳнатда, ўқишда ва спортда катта ютуқларни қўлга киритган ҳолда кутиб олайлик!

УЛКАН АНЖУМАН

Бугун «Пахтакор» стадионида Ўзбекистон XIV Спартакиадаси байроғи кўтарилади. Яқиндагина Москвада «Правда» газетаси совғини учун ўтказилган кросс мусобақаларида ғолиб келган тошкентлик А. Нормуродов ёқиқан машъала спартакиада тугагунча порлаб туради.

Ўзбекистон Давлат физкультура институти, «Меҳнат резервлари» жамиятининг ўқувчилари, спорт интернати мактаби талабалари иштирокида кўргазмали мусобақалар бўлади. Сўнгра «А» класси иккинчи лига, учинчи кичик группасида беллашаётган «Политотдел» билан Душанбанинг «Энергетик» командалари ўртасида футбол ўйини бўлади.

Спартакиаданинг барча этапларида 2 миллиондан ортиқ спортчилар стартга чиқишди. Уларнинг ўзаро баҳси давомида 186 киши СССР спорт мастери, 223 спортчи мастерликка кандидат, тўрт мингга яқин спортчи биринчи разряд нормативларини бажарди, юзлаб нишлар жамоатчи судья ва инструктор гувоҳномаларини олишди.

Бир неча кун давомида сиз билан биз кескин ва шиддатли мусобақаларнинг, ҳар бир сантиметр, секундлар учун бўладиган олишувларнинг гувоҳи бўламиз. Ғолибларни табриклаймиз, уларга Москвада бўладиган СССР Халқлари IV Спартакиадасида муваффақиятли қатнашишларини тилаб қоламиз.

Сузувчилар С. Бабанина, Н. Устинова, Р. Манина, М. Павлова, мерган А. Воличенко, гимнастикачи Н. Мяуслар олтин, Е. Шестернов, М. Исмоилов, С. Қўқонбоев, Р. Имангулов, А. Маркаров, В. Некрасовский ва бошқалар СССР халқларининг учинчи Спартакиадасидан кумуш медаль билан қайтишган эди. Енгил атлетикачи В. Лебединская I-Спартакиадада ғолиб келиб, II ва III Спартакиадаларда мунофотли ўринларни эгаллаган эди. Ўзбекистон спорт байроғини янада баланд кўтараётган бундай спортчиларнинг номларини кўплаб келтириш мумкин.

Ўзбекистон XIV Спартакиадаси ғолиблари ва энг кучли спортчилардан ташкил топадиган терма командамиз составида 450 дан ортиқ аъзо бўлади. Улар спартакиаданинг ҳамма турлари бўйича қатнашадилар. Ўқувчилар эса Ленинградда беллашади. 500 га яқин ёш спортчилар кўрсатган натижалар ҳам ҳисобга олинади.

Бугунгача спартакиада программаси асосида беш тур бўйича мусобақалар ўтказилди ва ғолиблар аниқланди. Волейбол бўйича «Меҳнат» жамияти ваниллари, баскетбол бўйича «Буревестник» студентлар жамияти спортчилари, теннисда ҳам «Буревестник» ваниллари ғолиб келишди. Велоспорт бўйича Армия спорт клуби командаси устун келди. Ана шу беш тур бўйича кўрсатилган натижаларни якунлаб ҳисоблаганда 36,75 очко тўплаган «Буревестник» жамияти ваниллари пешқадамлик қилмоқдалар. «Спартак» 34,75 очко билан иккинчи, АСК командалари 32 очко билан учинчи ўринда боришяпти.

Ш. УМРЗОҚОВ.

ЯХШИ НАТИЖАЛАР

Э. КАРИМОВ,

оғир атлетикачи, Ўзбекистон ССР чемпиони.

□ □

Яқинда оғир атлетикачларнинг «Старт» стадионида бўлиб ўтган курашида қатнашиб, ўз вазним бўйича Ўзбекистон ССРнинг янги рекордини ўрнатишга муяссар бўлдим. СССР оғир атлетика Федерациясининг қарори билан ярим ўрта вазнга ўтказилган эдим. Жуда кўп мутахассислар 360 килограмм тош кўтаришим учун камида яна 2-3 йил вақт керак, деб айтган эдилар.

Лекин яқинда Тбилиси шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада қатнашиб 357,5 килограмм кўтаришга муваффақ бўлдим. Яқинда ўтказилган спартакиада олди мусобақасида эса 370 килограммни кўтардим. Бу машҳур полвон, СССР рекордчиси Е. Кашура ўрнатган натижадан сал камдир.

Республикамиз терма командасининг аъзолари Р. Аванесов, фарғоналик С. Муртазоев, А. Хутириде ва терма команда аъзолигига номзод Ш. Пўлатовлар қувонарли натижаларга эришдилар.

ИЛҒОРЛАР СОЯСИДА

БУХОРО, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Бухоро область хўжаликларида 90 минг бошдан зиёд қорамол, салкам бир миллион бош қўй ва эчки ҳамда кўп сонли бошқа турдаги чорва моллар мавжуд. Уларни қиш фаслида дағал ва ширали озуқа билан тўла таъминлаш — чорвадорларнинг энг муҳим вазифасидир. Чунки, шундай қилинса чорва моллари туёғи янада кўпаяди, унинг маҳсулдорлиги ошади, бинобарин давлатга тағин ҳам кўпроқ қорақўл тери, гўшт, сут ва жун етказиб берилади.

Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган область чорвадорлари бу йил камида 350 минг тонна дағал хашак тайёрлашлари ва 300 минг тонна силос бостиришлари зарур. Ана шундай юксак мажбурият олинган.

Бу йил баҳор серёғин бўлди. Областнинг Ўртачўл, Қизилқум ва бошқа яйловларида ўтлар яхши ўсиб, барвақт ўримга келди. Ишнинг кўзини билган чорвадорлар беда, пичан ўришни бошлаб юбордилар. Свердлов районидаги Свердлов номли колхоз биринчилар қатори беда ўришга киришди. Хўжалик чорвадорлари барча майдондаги бедани яхши парвариш қилиш ва уни 4-5 марта ўриб олиш ҳамда шу тариқа эски бедапоялар нинг гектаридан камида 75 центнердан беда пичани олиш учун интилмоқдалар. Ҳозир колхозда учта ўт ўрувчи, иккита хаскаш билан кунига 18-20 гектар майдондаги беда ўрибйиғиб олинаётир. Шу райондаги Охунбобоев номли, Киров номли, Гагарин номли хўжаликларнинг чорвадорлари ҳам беда ва табиий ўтларни ўришни қизғин бошлаб юбордилар.

Ғиждувон районидаги хўжаликларда ҳам пичан ўриш оммавий тус олди. «Гулистон» колхозининг чорвадорлари пешқадамлик қиляптилар. Бу ерда ем-хашак жамғарувчи махсус бригада ташкил қилинган. М. Қиёмов, Ш. Худойқулов ўтқўлар сингари механизаторлар пичан ўриш нормасини куп сайин ошириб бажаряптилар. Колхоз чорвадорлари юбилей йилида чорва моллар учун камида бир ярим-икки йилга етадиган ем-хашак жамғарамиз деган шиор остида меҳнат қилишяпти. Улар ихтиёрига тўртта ўт ўрувчи, тўртта хаскаш ва бир нечта юк автомашинаси ажратиб берилган. Ўрилган пичан пешма-пеш йиғиб олиниб чорва моллар қишлайдиган жойга ташиб келтириляпти ва гарамланяпти.

Лекин, областнинг ҳамма районлари ва хўжаликларида ҳам беда ва пичан ўриш ана шундай яхши ташкил этилган, деб бўлмайди. Ромитан, Бухоро, Навоий районларидаги бир қатор колхоз ва совхозларда катта-катта майдонлардаги беда гулга кириб қолган, табиий ўтлар аллақачон ўримга келган бўлса ҳам, уни тезроқ ўриб олиш ҳақида ўйланмаяпти. Бир қатор районларда беда ва пичан ўрадиган машиналар ремонти жуда суст бораяпти. Бу ҳол ем-хашак тайёрлашни қийинлаштириш имкониятини бермаяпти. Масалан, Қорақўл ва Когон районларида ўт ўрувчи ва хаскашларнинг 35-40 процента ремонт қилинган, холос. Шу сабабли бу районлар беда ва пичан ўришда ҳаммадан кейинда қолмоқда.

Область чорвадорлари бу йил чорва моллар учун мўл озуқа жамғаришлари, бунинг учун беда ва пичан ўриш ҳамма жойда кенг тус олдирилиши зарур. Шундагина юбилей йилида жамоат чорвачилигини янада юксалтириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан олинган юксак мажбуриятларни муваффақиятли бажариш билан бир қаторда, келгусида бу соҳада янада яхшироқ ютуқларни қўлга киритиш учун мустаҳкам замин яратилган бўлади.

Т. НАЗИРОВ.

ЖУРНАЛИСТЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

«Ўзбекистон матбуоти 50 йил ичида» — Ўзбекистон Журналистлар союзи уюштирган илмий-назарий конференция ана шу темага бағишланди.

Унда матбуот, радио, телевидение ходимлари, Тошкент олий партия мактаби тингловчилари, ТошДУ студентлари ва ишчи мухбирлар қатнашдилар.

СССР Журналистлар союзининг 1966 йилда ёзилган энг яхши журналистик асарлар учун ҳар йили бериладиган мукофотлари комиссиясининг йиғилиши якунлари ҳақида ҳам ахборот берилди.

ҚАҲҚАҲАЛАР КЕЧАСИ

Фарғона водийсининг атоқли аскиячилари наманганлик кулги мухлисларининг меҳмони бўлдилар. Мамажон ака Мадаминов, Ғуломжон Рўзибоев, Абдуҳалим Самадов, Раҳмонқул Яшаров, Саъдулла Толипов ва бошқа қизиқчи-аскиячи санъаткорлар ўзларининг ранг-баранг пайровлари, лутф, ўхшатмалари билан шаҳар боғида тўпланганларнинг кўнглини хушнуд этишди.

Н. ИНОҚОВ.

АРХИТЕКТОР ИРРИГАТОРЛАРНИНГ ЛОЙИҲАЛАРИГА АРАЛАШМОҚДА

Гидроузел тўғонида ёки сув омбори сохилларида бўлганмисиз? Кўз ўнгингизда улуғвор манзара туради. Улкан гидротехника иншоотлари жўшқин дарё йўлини тўсган. Сунъий денгиз жуда кенг. Тўлқинлар унинг қирғоқларига шалоплаб урилиб туради. Сув бетида чайкалар учиб юрибди.

Ўзбекистонда Совет ҳокимияти йиллари мобайнида озмунча ирригация иншоотлари қурилгани йўқ. Бу иншоотларнинг кўпчилигида истеъдодли инженерларнинг қилган ишларини кўриб ҳайратда қоласиз. Масалан, тоғлиқ Ўзбекистонда Ўртатўқай, Қўйимозор ва Чимқўрғон, Каркидон ва Учқизил сув омборлари шулар жумласидандир. Лекин бу ерларда инсон меҳнатининг ғалабаси ёдгорликлари жуда камдан-кам эканлигини кўриб ҳайрон бўласиз, гидроузел теварагидаги манзара ҳам одатда бир зайлда: сув қирғоғи қуп-қуруқ, тўғри, машина-ускуналари бир хил тусга бўялган, дов-дарахтлар жуда оз. Афтидан, қурилишлар «ҳа бўл, ҳа бўл» билан кетаётганида декоратив монументаль санъат асарларини ўрнатишни ортиқча деб билишган бўлса керак.

— Лекин булар кечаги гаплар эди,— дейди «Узгипроводхоз» институтининг бош архитектори Леонид Михайлович Бойченко,—Ҳозирги кунда эса, ирригаторларнинг лойиҳаларига архитектор ва рассом аралашиши учун кенг йўл очиб қўйилган. Яқиндагина институтда махсус эстетик инженерлар группаси барпо қилинди.

Ўнқўрғон гидроузелини бадиий безаш генерал плани ишлаб чиқилиб бўлди. У яқин вақтлар ичида бутун Фарғона водийсининг йирик суғориш маркази бўлиб қолади. Қурилаётган Марказий Фарғона канали ҳам шу гидроузелдан бошланади. Тўғонда баландлиги 7 қават бинога тенг келадиган темир-бетон лавҳа ўрнатилади. Бу лавҳага улкан узелнинг қачон қурилганлиги вазифаси, уни қурган ва лойиҳасини тузган кишиларнинг номи ёзиб қўйилади. Марказий Фарғона каналининг эмблемаси — сув билан пахта иттифоқининг рамзи кечқурунлари узоқ-узоқлардан шуъалаланиб туради. Норин қирғоғи бўйига ва тўғонга неон чироқлари ўрнатилади.

Гидроузел районида ирригаторлар учун ободгина поселка қуриб битказилди. Унда котеджлар, мактаб, клуб, болалар муассасалари бор. Асфальт йўлка қилинмоқда, унинг ёқасига чинор ва каштан дарахтлари ўтказилди ва гулзорлар қилинди. Бу йўл поселкани гидроузел билан боғлайди. Ундан сал нарида диспетчерлар турадиган икки қаватли бино шиша ва бетондан қурилмоқда. Бинонинг қуйи этажида катта зал бўлади. Диспетчер кнопкани босиб, қўқатлар, йўл ва тротуарларга ёмғирлатиб сув сепадиган установкалар системасини ишга туширишдан олдин, ишлаётган машина-ускуналарни, шчитлар, кўтаргич машиналар, электр пебедкалар ва бошқа механизмлар зарғалдоқ, мовий рангларга, тротуар ва тўғонлар эса оқ рангга бўяладиган бетон йўл ётқизилмоқда. Бу йўл ўртаси 6 метрли кўкаламзор полосаси билан ажратилади.

Ёш Пачкамар сув омборини безашга ҳам кўп бош қотирилмоқда. Иншоот монументаль, айни вақтда енгил ва нозик кўриниши керак. Қашқадарё области Ўзбекистонда энг кам сув областларидан биридир. Тўғон яқинидаги энг баланд жойга ўрнатиладиган ёдгорлик инсоннинг сув учун олиб борган курашини ифодалайди. Йўлчи дамбага яқинлашиб келар экан, 15 метрли найза минорани ва у билан ёнма-ён сув омборини ким шуъалаланиб турувчи темир-бетон лавҳани кўради. Тўғонга ўрнатиладиган мармар тахтага гидроузелнинг «таржимаи ҳоли» ёзиб қўйилади.

Архитекторлар тўғоннинг йўл ўтадиган юқори қисмини кўкаламзорлаштиришга биринчи бор қарор қилдилар. Уч километрли йўл ёқасига ўтказиладиган дарахтлар кўчани соя-салқин қилиб туради. Шуъаланувчи улкан стенд иншоот районига кираверишни безаб туради.

Архитекторлар генерал планларда гидроузел районини иложи борича кўкаламзорлаштириш ва ёритиш, бу ерда юксак ишлаб чиқариш маданияти ва эстетикасини вужудга келтиришни кўзда тутмоқдалар.

Г. КИРХАДЖИ.

[ЎзТАГ мухбири].

Юбилярларимиз

ЗИЁБАХШ

...Шивалаб ёғаётган ёмғир сал тиниб турди-ю, кейин жалага айланди. Юпун эгни-боши шалаббо бўлган инки бола ўзларини панага олишди.

Долим ака бўлса хафа: бугун ҳам иш ўнгидан келмади. Жилла бўлмаса шу кўчатларни ерга суқиб олганимда, баҳарнав, жўжаларим билан бир кун бурунроқ чайнардик. Бир кун эрта эксанг— ҳафта бурун ўрасан, дерди отам раҳматлик...

Осонми! Ўн жон-а! Ота меҳр тўла кўзлари билан ҳозир ёнида турган қўзичоқларига термилди. Хайриат, мана энди улар қариганда қўлтиғига киришди.

* * *

Йиллар ўтди. Фарзандлар вояга етди. Улуғ Октябрнинг сахий қуёши миллионлар қатори Долим ота хонадонини ҳам мунаввар этди.

Катта ўғил — Нуъмон география фанлари кандидати, доцент бўлиб етишди. Иккинчи ўғил Усмонбек (Субутой) — атоқли олим сифатида танилди. Зиёд ва Султон Долимовлар медицина фанлари кандидатлари, республикада хизмат кўрсатган врачлар бўлиб, эл юртга сидқидилдан хизмат қиляптилар. Отанинг катта қизи Фотима Долимова — республикада хизмат кўрсатган врач. Кичиги Мастура Долимова эса — ўрта мактаб муаллимаси...

Яқиндагина бу хонадонда яна бир қувончли воқеа юз берди. Субутой ака Долимовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони берилди. Халқимизнинг «яхшилик ерда қолмайди» деганг бежиз эмас. Худди шунингдек ҳалол меҳнат ҳам ерда қолмас экан. Чунки яхшилик билан ҳалол меҳнат доимо эгизакдир. Ўзининг ҳалол меҳнати — яхшилиги билан неча ўн йиллар давомида халққа хизмат қилиб келаётган, эндиликда эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган маданият арбобларимиздан бири Субутой ака Долимовга берилган бу юксак мукофот бутун маорифчиларимизга кўрсатилган катта ҳурмат ва эҳтиром белгисидир. Усмонбек (Субутой) Долимов 41 йилдан бери ёш авлодни меҳр-муҳаббат билан билим зиёсидан баҳраманд этиб келаётган тўғриқ педагогларимиз армиясига мансуб кишидир, у отахон муаллимларимиздан биридир. Субутой ака бошланғич синф ўқитувчисидан филология фанлари кандидати, Тошкент Давлат университетининг доценти даражасигача бўлган катта ҳаёт йўлини босиб ўтди.

Субутой Долимов йигирманчи йиллардаги маданий инқилоб даврининг қайноқ ва жозибадор ҳаёти етиштирган илк маорифчилардан биридир. У 1916 йили ўша замоннинг пешқадам ўқув юртларидан бўлган Нариманов номидаги педагогика техникумини битириб чиққач, иккиланиб ўтирмай ўз ҳаёти ва фаолиятини мактаб-маориф жабҳасига, халқ ўртасида билим-маданият тарқатиш ишига бағишлади.

Субутой Долимов 30-йилларда Тошкент ишчилар университетида, 40-йилларда эса кечки педагогика институтида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди. Сўнг Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги қошидаги педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида илмий тадқиқот ишлари олиб борди, мактаблар учун дарсликлар ёзди, кейинги ўн йил мобайнида эса В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетида педагог ва илмий ходим сифатида ишлаб келмоқда.

Субутой Долимовнинг фаолияти кўп қиррали ва сермаҳсулдир. У педагог сифатида жуда кўп ишчан кадрларни тарбиялаб етиштирди.

Унинг илмий соҳадаги фаолияти ҳам мактовга сазовор. У юздан ортиқ асарларнинг авторидир. Булар ичида, ўзбек, рус ва жаҳон адабиёти ҳақидаги мақолалар, тадқиқотлар, монографиялар, ўрта мактаб ўқувчилари, олий мактаб студентлари учун дарсликлар, қўлланмалар бор. Унинг асарлари ҳаётий ва узоқ умрлидир. Масалан, Субутой аканинг 5-синф ўқувчилари учун тузган адабиёт дарслиги ҳозиргача 17 марта нашр этилди.

Олимнинг халқ маорифи соҳасидаги хизматлари муносиб тақдирланиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ 1944 йилда унга «Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвони берилди. Бундан ташқари, С. Долимов 1950 йилда «Ҳурмат белгиси» ордени билан, кейинроқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган. Энди Субутой Долимов 60 ёшга тўлиши муносабати билан, ўзбек тили ва адабиётини тараққий эттириш йўлидаги катта хизматлари учун «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвонини олишга муяссар бўлди.

Атоқли олим ва педагог Субутой Долимовга унинг 60 ёшлик табаррук кунида яна кўп йиллар умр, илмий-ижодий фаолиятида катта муваффақиятлар тилаймиз.

Ғ. КАРИМОВ,

профессор.

У. САЛОҲИДДИНОВ,

Ўзбекистон ССР Педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг илмий корреспонденти.

— Бизга қатъий давлат баҳоси билан ҳақ тўлашяпти, шундай экан, нима учун ишламайлик? — дейди Титаренко. — Масалан, мен қишда ойига 80-90 сўмдан ҳақ олган эдим, ҳозир эса ойига 110-120 сўмдан ҳақ оляпман.

Ҳозирги вақтда область колхозларида 350 га яқин коммунал хизмати кўрсатиш комбинатлари ишлаб турибди. Уларнинг сони тўхтовсиз кўпайиб бормоқда. Афсуски, янгидан ташкил қилинган ҳар бир коммунал хўжалиги ва унинг раҳбарлари кўпгина қийинчиликларга дуч келмоқдалар.

Мен область коммунал хўжаликлар бўлимининг мудири Фёдор Авксентьевич Задарожний Тальнов районининг Майдавец қишлоғидаги колхознинг раиси ва янгидан ташкил этилган колхоз коммунал хўжалигининг мудири билан қилган суҳбатда иштирок этдим.

— Ишончли кишиларни танлаб олдик, бино ажратдик, — деб ҳикоя қиларди раис.— Қишлоқ Совети қишлоқни ободонлаштириш учун ажратилган фондларни коммунал хўжалиги ихтиёрига ўтказди. Бироқ, ускунага келганда аҳвол чатоқ. Бизга ёғочни қайта ишлашда қўлланиладиган дастгоҳ топишда ёрдам беринг. Темир-бетон устунчалар олишда ҳам ёрдамлашишингизни илтимос қиламиз, чунки қишлоқда унга талаб катта. Агар мумкин бўлса, кабель олишда ҳам кўмаклашишингизни сўраймиз.

— Илтимосномангизни қолдириб кетинг, — деди Задарожний, — агар сиз сўраган нарсаларнинг бирортаси бўлса ёрдамлашамиз.

Ювлаб кишилар ана шундай илтимослар билан келишади. Уларга ёрдамлашишга ҳаракат қилинади, бироқ умуман таъминот иши ҳамон тартибга солингани йўқ.

Кўпчилик коммунал хўжаликлари техника базасини активлик билан ривожлантирмоқда, ёғочни қайта ишлайдиган устахоналар ва темир-бетон бўюмлар ёзги полигонларини барпо этишмоқда. Лекин бу устахоналар ва полигонларнинг кўпчилиги кичик ва ибтидоий ҳолда. Коммунал хўжаликларининг маблағларини ва куч-ғайратини бирлаштириш яхши эмасми? Ахир шундай қилинганда оқилона кооперативлаштириш ва ихтисослаштириш, водопровод тармоқлари, газ хўжалиги ва ҳоказоларни қуриш ҳамда ўрнатиш бўйича малакали комплекс бригадалар вужудга келтириш ҳақида ўйлаш мумкин бўлмасмиди? Бироқ, бу ишларнинг ҳаммасини ким ҳал қилиши керак? Коммунал хўжаликларининг фаолиятини ким — район ижроия комитетларининг бўлимларими ёки сайлаб қўйилган органлар марказлаштириши керакми? Улар кимга: юқори органлар ва колхоз правлениесига икки томонлама итоат қилишлари керакми ёки бўлмаса коммунал хизмати кўрсатиш комбинатларини қишлоқ хўжалик артелларининг правлениеларига итоат қилишдан озод қилишнинг фойдаси борми?

Золотоношда бу темада тортишишдан кўра фойдалироқ амалий иш қилишди. Пайчи-колхозчиларнинг ташаббуси билан ва уларнинг маблағи ҳисобига бу ерда колхозлараро район коммунал хўжалиги ташкил этилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ унинг ўз муҳри, давлат банкида ўз счёти бор. Қисқа қилиб айтганда, барча юридик ҳуқуқларга эга. Вакиллар йиғилишига ҳисоб берадиган Совет район коммунал хўжалигининг ижрочи органи ҳисобланади. Раис бошчилигидаги правление оператив раҳбарликни олиб боради. Колхозлардаги коммунал хизмати кўрсатиш комбинатлари район коммунал хўжалиги олдида ҳисоб берадилар. Уларнинг ҳозирча колхозларнинг правлениеларига тобелигини рад этиш ҳақида ўйлаш мумкин бўлмасмиди? Бироқ, бу масала ҳали ҳал қилинмаган. Ҳозирча ҳаётимизнинг ҳаракатлантирувчи кучи — ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришдаги ютуқлар ҳисобидан ривожланиш ва ўсиш ҳаракатлантирувчи кучи —

● Ўзбекистон маҳсулотлари «ЭКСПО-67» жаҳон виставкасида

● Космик фазони тадқиқ қилиш соҳасида муҳим ҳамкорлик

● Бирлашган Араб Республикаси Миллат мажлисининг миннатдорчилиги

Халқаро ҳаёт

ШВЕЙЦАРИЯ МЕҲНАТ ПАРТИЯСИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ЖЕНЕВА, 1 июнь. (ТАСС). 27-28 майда Лозаннада Меҳнат партиясининг миллий конференцияси бўлиб ўтди, деб хабар беради «Вуа Увринер» газетаси. Конференция 1967 йил кузида парламентга ўтказиладиган сайловлар арафасида Швейцариядаги сиёсий ва иқтисодий аҳволни муҳокама қилди. Швейцария Меҳнат партияси Марказий Комитетининг секретари А. Мюре партия раҳбарлиги номидан доклад қилди. Доклад юзасидан музокараларда 40 га яқин делегат сўзга чиқди.

Конференция 10 моддадан иборат ва Швейцария меҳнаткашларининг асосий социал-иқтисодий талабларини ҳамда ҳозирги сиёсий вазият талаб қилаётган конкрет тадбирларни ўз ичига олган программани ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифни маъқуллади.

Конференция швейцар халқига мурожаатнома ва халқаро аҳвол тўғрисида резолюция қабул қилди. Грециядаги ҳарбий-фашист тўнтаришга қарши норозилик, Швейцарияда ер участкаларининг спекуляция қилинаётганлиги тўғрисидаги, коммунистик матбуотни ва партиянинг сайловолди тадбирларини қўллаб-қувватлаш учун маблағ тўплаш кампаниясини ўтказиш тўғрисидаги масала юзасидан ҳам резолюциялар қабул қилинди.

СОВЕТ—ФРАНЦУЗ КЕНГАШИ

ПАРИЖ, 1 июнь. (ТАСС). Бу ерда профессор Б. Н. Петров ва профессор Ж. Кулон бошчилигидаги француз ва совет делегацияларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда космик фазони биргаликда илмий тадқиқ қилиш, космик алоқа, космик метеорология ва аэрономия проблемалари муҳокама қилинди.

Шу соҳада ҳамкорлик қилиш тўғрисида 1966 йил 30 июнда СССР ҳукумати билан Франция ҳукумати ўртасида Москвада тузилган битим муваффақиятли амалга оширилаётганлигини ҳар иккала томон мамнуният билан қайд қилдилар.

Томонлар Ер атрофидаги орбитага совет ракетаси чиқариб қўйиши лозим бўлган француз йўлдошининг типини танлаб олишди. Бу йўлдош Ернинг магнитосферасини ва Ер атрофига яқин фазони тадқиқ қилиш учун ишлатилади. Француз йўлдошининг лойиҳаси билан алоқадор масалаларни ҳал этмоқ учун француз-совет илмий техникавий иш группаси тузилди.

Ҳар иккала томон алоқа йўлдошлари ва Ер устидаги станциялар соҳасида ўзлари олиб борган тадқиқотларнинг натижаларини якунладилар. Шунингдек, бундан олдинги планни ривожлантирувчи ва тўлдирувчи янги планни ишлаб чиқдилар.

«ТОШКЕНТ» СИГАРЕТЛАРИ МОНРЕАЛГА ЖЎНАТИЛДИ

Тошкент тамаки фабрикасининг коллективи Монреалдаги «ЭКСПО—67» жаҳон виставкасидаги Совет павильонига ўзларининг энг яхши маҳсулотлари намуналарини — «Тошкент» маркасидаги филтрли сигаретларни самолётда жўнатди. Чиройли қилиб безатилган 500 қутичанинг ҳар бирига Ўзбекистон пойтахтининг манзаралари тасвирланган ўн пачка сигарет солинган.

Республика виночилари ва кондитерлари ҳам Канададаги Совет павильонида ўз маҳсулотларини намойиш қиладилар. (ЎзТАГ).



Сент-Томас Карибе денгизида жойлашган Виргиния ороллари группасига киради. У XV аср охирида Христофор Колумб томонидан очилган эди. Испанлардан ташқари ороллда голландияликлар, французлар ва данияликлар ҳам ҳукмронлик қилди. Данияликлар 1917 йили оролни АҚШга 25 миллион долларга сотиб юбордилар. Бу ерда жуда катта қул савдоси бўлиб турарди. Ҳозирги пайтда орол аҳолисининг кўпгина қисмини неграр ва мулатлар ташкил этади. Оролга совет немаларидан биринчи бўлиб «Александр Пушкин» теплоходи келган. Суратда: ана шу теплоход лангар ташлаган Шарлотта-Амалия порт-шаҳри.

А. Катков ва С. Преображенский фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

АМЕРИКАГА ҚАРШИ НАМОЙИШ

ҚОҲИРА, 1 июнь. (ТАСС). Американинг «Интрепид» авианосеци Қизил денгизга боратуриб, бугун Сувайш каналига кирди. Каналда Америка авианосеци пайдо бўлиши билан Порт-Саиддаги порт ишчилари Америкага қарши ғазабли намойиш бошлаб юборишдилар.

Каналнинг бошдан оёғигача ҳар иккала соҳилида юзлаб кишилар тўпланиб, Исроил ҳарбийларининг агрессив сиёсатига АҚШнинг ҳомийлик қилаётганлигини қораловчи шиорларни барала айтиб турдилар.

Япония. Токиодаги Икебукурода бешта кўча кесишган жойда кўча ҳаракатини бошқариб туриш учун минора қурилган. 10 миллион нишидан кўпроқ аҳолиси бўлган Япония пойтахтида шаҳар транспорти хавфсизлиги масалалари жуда ҳам кескиндир.

КИОДО—ТАСС фотоси.

ҲАРБИЙ ДИКТАТУРА АМАЛДА

АФИНА, 1 июнь. (ТАСС). Афина шаҳрининг фавқулодда ҳарбий трибунали 11 кишини бир ойдан бир йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилди. Улардан кўпчилиги «ҳарбий маъмурларнинг буйруғига бўйсунмаганлик» ва «маъмурларни ҳақорат қилганлик»да айбланадилар.

ҚИЗИҚ ҲАНГОМАЛАР

БЮРОКРАТНИНГ ЭҲТИЕТКОРЛИГИ

Инки амалдор министрлик биносининг коридорида учрашиб қолди.

— Бўлимда ишлар қалай? Ҳаммаси жойидами?

— Асти сўраманг! Бошлиғимиз тўрт кишининг ишини бажаришга мажбур қиляпти.

— О, бечоралар-эй!

— Бироқ, бахтимизга бўлимда сакниз кишимиз.

ТАДБИРКОР БОЛА

Андриени деган ничининагина қиз қафасда ётган арслонни у ёғига-бу ёғига ўтиб, сўнгра отасидан сўради:

— Арслон кутилмаганда қафасдан чиқиб, сизни еб қўйса, ҳар эҳтимолга қарши менга қайси автобусда уйга боришимни айтсангиз яхши бўларди.

«ЮЛДУЗЛАР» ЙЎЛИ

Голливуд кино юлдузларининг доврўғи тўғрисидаги мақолалар одатда қуйидагича схема бўйича ёзиладн:

У гўзаллик конкурсида ғолиб чиқди.

Уни Голливудга таклиф қилишди.

Унинг тўғрисида бутун газеталарда шов-шув кўтарилди.

У бутун жаҳонга машҳур бўлиб кетди.

У ўзи тўғрисида ёзилган газета мақолаларини тўплаб юрибди.

У ўқиш ва ёзишни ўрганмоқда.

ШОВҚИНДАН ҚУТУЛИШ ВОСИТАСИ

Шу йил январь ойида Лондон аэропорти яқинида ғалати черков ишлай бошлади. Пасторнинг овозини самолётлар шовқини эшиттирмай қўйганлиги учун черков ер остида қурилган эди. Айтишларига қараганда, бундан норози бўлган одамлар ҳам оз эмас. Улар ер остига тушишни гўё «ажиналарга яқинлашиш» деб баҳолаганлар.

ҒАЛАТИ УЧРАШУВ

— Хотиним билан учрашган бални ҳеч қачон унутмайман.

— Жуда ҳам ажойиб бўлганмиди?

— Йўқ, жуда ҳам ноқулай ҳолатда қолган эдим. Мен хотинимни уйда болалар билан ўтиришди деб ўйласам, у балга келган экан.

СССР халқларига ва совет ҳукуматига миннатдорчилик

Бирлашган Араб Республикаси Миллат мажлисининг раиси Анвар Саодат СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси И. В. Спиридоновга ва СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Ю. И. Палецкисга телеграмма йўллади. Бу телеграммада у, СССР халқлари ва Совет ҳукумати Яқин Шарқдаги ҳозирги тенглик вақтида Бирлашган Араб Республикаси позициясини тўла қўллаб-қувватлаганликлари учун Бирлашган Араб Республикаси Миллат мажлиси номидан қизғин миннатдорчилик ва ташаккур изҳор қилди.

СУЛТОН ЖЎРАЕВ НОМЛИ КЎЧА

Бугун Гомель шаҳар Совети шаҳарнинг магистралларидан бирига Султон Жўраев номи берди.

Бу ерда тантанали вазиятда ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди. Унда қуйидаги сўзлар ёзиб қўйилган.

«Султон Жўраев, 1910 йилда туғилган. Ўзбек халқининг шонли фарзанди, шоир, пулемётчи-кавалерист, 1943 йил 10 ноябрда Лоев шаҳрини озод қилиш вақтида немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган».

Козеречи қишлоғида дафн этилган жангчи шоир қабрига ҳайкал ўрнатилди.

ОБ-ҲАВО

Бугун республикамизнинг айрим районларида ҳавога бир оз булут чиқсада, ёғингарчилик бўлмайди. Шимоли-ғарб томондан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсиб туради. Ҳарорат 24-29 даража бўлади.

Тошкентда ҳаво булутланиб туради. Ёғингарчилик бўлмайди. Шимоли-ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 14-16 кундузи 26-28 даража ўртасида бўлади.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА

НЬЮ-ЙОРК, 1 июнь. (ТАСС). Хавфсизлик Кенгаши кеча Яқин Шарқдаги аҳволни муҳокама қилишда давом этди.

Ирок ташқи ишлар министри Адиан Пачачи Яқин Шарқдаги ҳозирги жиддий таҳлик Исроилнинг Ақаба қўлтиғида кема қатновига нисбатан қўйган талаблари қондирилмай д и г а н бўлса уруш бошлайман, деб дўқ қилаётганлигидан вужудга келди, деб таъкидлади.

Бошқа араб мамлакатларининг вакиллари сингари Пачачи ҳам араб давлатлари ҳарбий ҳаракатларни бошламайдилар, аммо агрессорга қақшатқич зарба беришга аҳди-паймон қилганлар, деб яна бир марта таъкидлади. У, Исроил агрессиясини қўллайдиган ҳар қандай мамлакатга Ирок нефти бермай қўйиш тўғрисида ўз ҳукуматининг қарор қабул қилганлигини билдириб, нефтга бой бўлган бошқа араб мамлакатларини ҳам шу тахлитда иш тутишга чақирди.

Иордания вакили Муҳаммад Фарра Ақаба қўлтиғи ва Тиран бўғози тўғрисидаги масалада БАР тутган позиция билан бирдам эканлигини билдириб, БАР 1956 йилда Миср қарши уч мамлакат агрессиясига қадар бўлган аҳволни тиклади, холос, деди.

Мажлисда БАР билан АҚШ резолюция лойиҳалари киритилди. БАР таклиф этган лойиҳада сулҳ тузиш билан шуғулланувчи Исроил—Миср аралаш комиссиясини ҳамда Исроил—Миср сулҳ битимини тиклаш тўғрисида БМТ бош секретари У Тан қилган докладдаги тавсия назарда тутилган. 1956 йилда Исроилнинг ўша вақтдаги бош министри Давид бин Гурион Исроил — Миср сулҳ битимини «ўлган ва кўмилган» деб эълон қилган эди. Хавфсизлик Кенгаши дейилади лойиҳада, Миср — Исроил сулҳ битими ўз кучида қолади, деб қарор қиладди ва Исроил ҳукуматини шу битимда кўзда тутилган мажбуриятларга риоя қилиб, шунга мувофиқ иш тутишга чақиради. БМТнинг Фаластиндаги сулҳни кузатиш ташкилотининг бошлиғига икки ҳафталик муддат ичида сулҳ комиссиясининг Ал-Авжа демилитаризация қилинган зонасидаги қарорғоҳини тиклаш таклиф этилади. Комиссия Исроил қўшинлари томонидан шу ердан ҳайдаб юборилган эди. Лойиҳада БМТ бош секретари ораданярим ой ўтгач шу резолюциянинг қандай бажарилганлиги тўғрисида кенгашга доклад тақдим қилиши таклиф этилади. Бу таклиф бажарилмаган тақдирда кенгаш қўшимча чоралар қабул қилиши керак.

Канада ва Даниянинг дастлабки таклифи сингари (бу таклифни ҳозир ҳеч ким эсламаяпти) АҚШ лойиҳаси ҳам ҳамма томонларнинг ўзини тийиб туришига, кескинликни кучайтириши мумкин бўлган душманчилик ҳарбий ҳаракатлари ва бошқа барча ҳаракатлардан воз кечишга умумий чақириқ билан чекланади.

Ирок вакили АҚШ киритган резолюция лойиҳаси БМТ бош секретари докладининг хулосаларига «тўла мувофиқ келмаганлигини» айтиб, шу лойиҳа юзасидан янада муфассалроқ гапириш ҳуқукини ўзида сақлаб қолди.

Франция делегати киритилган резолюция лойиҳаларини ўрганиб чиқиш учун вақт зарур эканлигини таъкидлайди Унинг таклифига кўра, лойиҳаларни муҳокама қилиш навбатдаги мажлисга қадар қолдирилди. Навбатдаги мажлис 2 июнга тайинланган.

ЯНГИЙЎЛЛИКЛАР МАФТУНИМИЗ

Москва театрлари шу кечакундуз томошабинлар билан ҳар қачонгидан гавжум бўлаётир. Пойтахт меҳматкашлари тажрибали артистларнинг қўшиқ ва куйларини эшитиш, саҳна асарларини томоша қилиш билан бирга, мамлакатимизнинг узоқ шаҳар ва қишлоқларидан келган ҳаваскорларнинг санъатини ҳам зўр иштиқ билан томоша қилмоқдалар. Пойтахтда ҳаваскорлик театрларининг Бутуниттифоқ фестивали давом этмоқда. Ҳозиргача пойтахт театрларида 30 дан ортиқ халқ театрларининг коллективлари ўз санъатларини намойиш қилдилар.

Яқиндагина Кремль театрида Қозоғистон ССР Семипалатинск областидаги Абай халқ театри ўз санъатини намойиш қилди. Абай театридан кейин навбат Тошкент область Янгийўл шаҳридаги халқ театрига берилди. Бу театр 1964 йилда «Тошболта ошиқ» асарини саҳналаштиргани учун халқ театри номини олишга муяссар бўлган эди. Шу вақт ичида театрнинг репертуари ўсди, унга ёш талантлар келиб қўшилди. Янгийўл халқ театри республика фестивалининг лауреати бўлди.

Москваликлар янгийўлликларнинг санъаткорларининг куй ва қўшиқларини, спектакларини зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Зуев номидаги Шеърият театрида томошабинлар қўшилиб Ўзбекистондан келган меҳмонларга қучоқ-қучоқ гуллар тақдим этдилар. Шу театрда янгийўлликлар бир неча кун машқ ўтказдилар.

— Биз янгийўлликларни жуда севиб қолдик. Репетицияларда қатнашдик. Улар жуда диндин, меҳнаткаш эканлар, — деди Зуев номидаги маданият уйининг директори М. Д. Жукова.

Янгийўлликлар москвалиларнинг меҳмондўстлигидан, санъатга қизиқишларидан жуда мамнун.

Айниқса Кремль театрида бўлган репетиция ва томоша жуда қизиқарли ўтди. Бу ерга ҳорижий мамлакатлардан келган меҳмонлар, ҳарбийлар, студентлар, Москва олий ўқув юртларида таълим олаётган ўзбек ўғил-қизлари иштирок этишди. Янгийўлликлар З. Фатхуллин ва Ш. Саъдуллаларнинг «Ватан ишқи» музикали драмасини моҳирлик билан намойиш этдилар. Бу асарда Ўзбекистоннинг жанубидаги тоғли қишлоқда босмачиларнинг тор-мор этилиши ҳақида ҳикоя қилинади.

Томоша бошланишидан олдин ўзбекистонлик меҳмонларни СССР Маданият министрлигининг ходимлари, Абай театрининг артистлари табриклардилар, Янгийўлликларга совғалар тақдим этилди.

Саҳна очилди. Қарсаклар чалинди. Томошабинлар театрнинг безовчи-рассоми Т. Коростилов, бош ролларни ижро этувчи М. Мусаева, (Нарзи хола), Ш. Эшмуҳамедов (Субхонқул), Р. Йўлдошева (Зулфия) С. Фозилов (Олимжон) ва бошқаларни олқишлайдилар.

— Саҳнага тикилиб турибсиз, — деди москвалик томошабин Н. Калашников, — булар ҳаваскор эканлигига шубҳаланиб қолдим. Тажрибали санъаткорлардек моҳирлик билан ўйнашди.

Кўп томошабинлар ана шундай фикрларни билдиридилар. Спектакль давомида томошабин воқеа содир бўлган жойда бўлгандек, артистлар эмас, ўша воқеаларнинг ҳақиқий иштирокчилари билан учрашгандек бўлади.

— Янгийўл халқ театрининг коллективи чиндан ҳам жуда талантли, ишлаётган экан, — деди Зуев номидаги Шеърият театрининг раҳбари, ёзувчи Достоевскийнинг невараси Е. Н. Достоевская, — улар Кремль театрида томоша кўрсатишга лойиқдирлар.

Кремль театрининг директори Т. Кабанов асарни синчиклик билан томоша қилар экан янгийўллик ҳаваскорларнинг ҳар бирининг қўлини қисиб, табриклади. Мамлакатимиздаги ҳар бир халқ театри янгийўлликларга ҳавас қилса арзийди, деди. Бош ролларни ижро этувчиларга москваликлар гулдасталар тақдим этдилар.

Спектакль тамом бўлиши билан Янгийўл халқ театри коллективига биринчи даражали диплом ва фестивалнинг эсдалик медали тақдим этилди.

М. БОБОХОНОВ.

«Совет Узбекистони»нинг штатсиз мухбири.

Москва шаҳри.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт. 9.30 — Рубоб учун пьесалар. 9.45 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (тож.). 10.10 — М. Равель. «Болеро». 10.30 — Концерт (халқ талантлари ижросида). 11.10 — Халқ контроли амалда. 11.25 — Музикали салом. 12.15 — Спорт (рус.). 12.30 — «Етти гўзал» балети ҳақида музикали эшиттириш. 13.30 — Лирик қўшиқлар ва куйлар. 16.10 — Музикали соат (ёшлар учун). 17.20— Уйғур куйлари. 18.00 — Ўзбекистон ССР XIV спартакиадасининг очилиши («Пахтакор» стадионидан репортаж). 18.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 19.20 — Озарбайжон куйлари. 20.00 — «Октябрь» радиостанцияси. 20.40 — Қўшиқ ва рақслар. 21.25 — Концерт (пахтакорлар учун). 22.10 — Қўшиқлар. 23.20 — Концерт (талабларга мувофиқ).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
(3-канал)

Ўзбек тилида: 16.55 — **Эшиттиришлар программаси.** 17.00 — **Концерт** (болалар учун). 17.40 — **Телевизион янгиликлар** (ўзбек ва рус тилларида). 18.00 — **Ўзбекистон ССР XIV спартакиадасининг тантанали очилиши** («Пахтакор» стадионидан олиб кўрсатилади).

19.40 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
(5-канал)

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

16.55 — **Эшиттиришлар программаси.** 17.00 — Математика. Тенгламалар ечиш бўйича масалалар (олий ўқув юртларига кирувчилар учун).

Рус тилида: 18.00 — **Қўшиқ ҳақида ҳикоялар** (болалар учун). 18.25 — **Телевизион янгиликлар.** 18.35 — **Кинофильмлар.** 19.05 — **Концерт.** 19.40 — **Ўзбекистон ССР XIV спартакиадасининг очилиши** («Пахтакор» стадионидан олиб берилаётган эшиттиришнинг давоми).

Ўзбек тилида: 22.00 — **Тўлкин. Бир гул атри.** 22.20 — **Концерт.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
(9-канал)

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/VI да **Алижонларим**, 4/VI да **Улимдан кучли.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/VI да **Махтумқули**, 4/VI да **Гавҳари шамчироқ.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Спартак — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (кеч соат 6 ва 9 да).

Кундузги сеанса иккита билет — «СПУТНИК», НАВОИ номли, «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 4 ва кеч 8 да), «МИР» (кундуз 2, 4, кеч 6 ва 8 да).

Уқ — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Бригададаги афсунгар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Бубе қайлиғи — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 2, кеч 6 ва 9-45 минутда).

Юпқа муз устидан — «ФЕСТИВАЛЬ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Уч бақалоқ — «МИР» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва кеч 10 да).

Лалварлик овчи — «ЧАЙКА» (кундуз соат 12, 2 ва 4 да).

ЁЗГИ БИНОДА

Уларни афтидан танирдилар — «ЎДАРНИК».

Ғазаб — «1 МАЙ».

Кундузги сеанса иккита билет — «ФЕСТИВАЛЬ».

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР.

1967 йил 14 июнь эрталаб соат 10 яримда, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий совет мажлисида (Гоголь кўчаси, 70-уй, конференц-зал) фалсафа фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

К. М. Турсунов «Ўзбекистонда социализм қурилиши даврида синфий кураш хусусиятлари» деган темада

Диссертация билан академия кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

1967 йил 14 июнь кундуз соат 3 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа, иқтисод ва юридик фанлари бўлимининг иқтисод бўйича бирлашган илмий совет мажлисида (Гоголь кўчаси, 70-уй, катта конференц-зал фойеси) иқтисод фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

М. Мансуров «Ўзбекистонда мева ва узум етиштириш самарадорлигини ошириш резервлари» деган темада.

Диссертация билан академия кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

5, 6 июнда

Ўзбекистон давлат филармониясининг солисткаси

ОЛМАХОН ҲАЙИТОВА

иштирокида

ХОРАЗМ АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

Концертда **Раъно Жуманиёзова, Шариф Султонов, Отабой Ҳасанов, Отаназар Абдалиёзов, Ражаб Исмонов** ва бошқалар қатнашади.

Касса кундуз соат 2 дан очиқ. Концерт кеч соат 8 да бошланади.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ИНСТИТУТИ

1967/68 ўқув йили учун қуйидаги вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

кафедра мудирлари: КПСС тарихи ва фалсафа, табиий ва химия толаларини йигириш, толали материалларнинг механик технологияси, тикувчилик моллари технологияси ва конструкцияси (профессорлар ёки доцентлар);

кафедра доцентлари: КПСС тарихи ва фалсафа, сиёсий иқтисод ва илмий коммунизм, олий математика, физика, ишлаб чиқариш иқтисоди ва ташкил этиш, табиий ва химия толаларини йигириш;

кафедра старший ўқитувчилари: КПСС тарихи, фалсафа (ўзбек тилида), сиёсий иқтисод ва илмий коммунизм, чизма геометрия ва машина қурилиши чизмачилиги, машиналар детали, тикувчилик моллари технологияси ва конструкцияси, ишлаб чиқариш иқтисоди ва ташкил этиш, тўқимачилик материаллашунослиги, ипак технологияси, толали материалларнинг механик технологияси, органик химия, механизм ва машиналар назарияси, меҳнатни муҳофаза қилиш (қурилиш ишлари бўйича);

кафедра ассистентлари: КПСС тарихи, фалсафа, сиёсий иқтисод ва илмий коммунизм, олий математика, физика, чизма геометрия ва чизмачилик, машиналар детали, тикувчилик моллари технологияси ва конструкцияси, ишлаб чиқариш технологияси ва ташкил этиш, жисмоний тарбия;

Қуйидаги фанлар бўйича Марғилон ўқув-консультация пункти: чизма геометрия ва чизмачилик — старший ўқитувчи; КПСС тарихи, механизмлар ва машиналар назарияси, олий математика, умумий химия, физика, чет тиллари (инглиз) — ассистентлар.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар Тошкент шаҳри, 100, 2-Виборг кўчаси, 5-уйга юборилади.

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМЛИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

қуйидаги факультетларнинг кундузги бўлимига **1967/68 ўқув йили учун**

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Архитектура факультети ва ундаги ихтисос: **архитектура;** қурилиш факультети ва ундаги ихтисос: **саноат ва граждан бинолари қурилиши, қурилиш экономикаси ва ташкил этиш.**

Институт турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича архитекторлар, шаҳарларни ва аҳоли яшайдиган жойларни лойиҳаловчи архитекторлар, саноат ва граждан бинолари қурилиши экономикаси ва ташкил этиш бўйича экономист инженерларни тайёрлайди.

Аризалар 20 июндан 31 июлгача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари 1 дан 20 августгача ўтказилади.

Ректор номига ёзилган ариза қуйидаги ҳужжатлар кўшиб топширилади: маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), таҳриман ҳол, мактаб ёки иш жойидан, армия хизматидан қайтиб келганлар ҳарбий қисм қўмондонлигидан характеристика, медицина справкаси (286-форма), тўртта фотосурат (3х4), меҳнат дафтарчасидан кўчирма. Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Ариза ва ҳужжатлар Самарқанд шаҳар, Ленинград кўчаси, 64-уй, қабул комиссиясига топширилади.

Марказий универмаг ва Тошкент универмаги коллективи Тошкент универмагининг кекса ишчиси, КПСС аъзоси, газмоллар секциясининг мудири

Ориф Нозимович АЗИМБОЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — 836545. Редактор ўринбосарлари — 837914, 839323. Масъул секретарь — 834455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 837283. Партия турмуши — 833469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — 831216. Коммунистик тарбия — 831455. Саноат, қишлоқ хўжалик — 837604. Адабиёт ва санъат — 832036, 837221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 834451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 832347. Оммавий ишлар ва хатлар — 833679, 833553. Иллюстрация — 834524. Стенографистка — 837343. Корректура — 837162. Эълонлар — 838142. Коммутатор — 830249, 830250, 830251, 830252, 830253, 830254, 830255, 830256, 830257, 830258.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

№ А — 128. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64543. Р. 01009